

- Workplace Stress and Health — video, presentations, and summary of event held at the Woodrow Wilson International Center for Scholars, March 2008
- National Institute for Occupational Safety and Health — Stress at Work
- Work Stress Relief Tips
- American Psychological Association — Workplace issues
- Recovering from Work Related Stress — Teaching
- The Changing Organization of Work and the Safety and Health of Working People
- Good Stress Vs Bad Stress
- Seventh International Conference on Occupational Stress and Health
- Teachers TV Free Resources to Help Deal with Stress
- IRSST — Strategic approach to preventing occupational stress
- De-Stress Kit for the Changing Times
- European Academy of Occupational Health Psychology
- Journal of Occupational Health Psychology
- National Institute for Occupational Safety and Health — USA
- Society for Occupational Health Psychology
- Small Businesses for Health Care Reform
- Work & Stress
- Стресс на работе – негативные и положительные аспекты!
- Женевада XMT матбуот-ахборономаси (PDF 135 Kb)
- “Хавфсиз меҳнат учун” дастури директори, доктор Юкка Такала – мақола (PDF 140 Kb)
- Хавфсиз меҳнат учун XMT ахборономаси (PDF 274 Kb)
- Меҳнат муҳофазаси рақам ва фактларда. Меҳнат муҳофазаси маданиятини тақомиллаштириш йўналишлари. Женева 2003. (PDF 700 Kb)
- “Хавфсиз меҳнат учун” дастури директори Юкка Такала интервьюси (2002)
- Бутун жаҳон меҳнат куни доирасида тадбирлар (PDF 142 Kb)



**Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси**



**Ўзбекистон Республикаси
Олий Маъжлиси Конунчилик
палатаси**

ХОДИМЛАРНИНГ МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ: “МЕҲНАТ ШАРОИЛЛАРИНИНГ ДАРАЖАСИ ХОДИМЛАРНИНГ ИШ ЖОЙИДАГИ РУХИЯТИГА ТАЪСИРИ”

Тошкент – 2017

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси
Құдратилла Мирсагатович Рафиковнинг
умумий таҳрири остида қайта тайёрланди.**

**Масъул: Бахтиёр Ҳасанович Махмадалиев, Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари**

**Тузувчи: Нодира Баҳодиржановна Каримова, Ўзбекистон касаба
уюшмалари Федерацияси аппаратининг Меҳнатни
муҳофаза қилиши бўлими мудири**

13. Bittel, Lester R. Management Skills for Success. Alexander Hamilton Institute Incorporated, 1984. Print.
14. Jones JW, Barge BN, Steffy BD, Fay LM, Kuntz LK, Wuebker LJ [1988]. Stress and medical malpractice: organizational risk assessment and intervention. *Journal of Applied Psychology* 73(4):727-735.
15. Gajendran, Ravi and Harrison, David. "Telecommuting Win-Win For Employees And Employers." *Journal of Applied Psychology* 92.6 (2008) 5-5
16. Большой Энциклопедический словарь / под редакцией А.М. Прохорова, 2-е изд., перераб. и доп. - М.: Большая Российская энциклопедия, СПб.: Норинт, 2002. - 1456C;
17. Материалы сайта [www.rabota.ru.](http://www.rabota.ru/), статья http://www.rabota.ru/guide/tehniki/stress_na_rabota.html
18. Менеджмент / ответы на экзаменационные билеты. - Ионова С.М., Шумал С.С., - М., Аллель-2000, 2005. - 64C;
19. Организационное поведение / учебное пособие - Дорофеев В.Д., Шмелева А.Н., Частухина Ю.Ю., - Пенза: издательство университета, 2004.- 142C;
20. Организационное поведение / МУ - Дорофеев В.Д., Шмелева А.Н., - Пенза: издательство университета, 2005.- 56C;
21. Организационное поведение / учебное пособие - Калякин А.М., - Иваново: РИО ГОУ ВПО ИГЭУ, 2004. - 218C;
22. Сборник методических материалов по курсу «Организационное поведение» - М.:ИМПЭ им. А.С.Грибоедова, 2005. - 27C.
23. Стресс-менеджер: Дэвид Льюис / Пер. с англ. Серия «Технологии управления и менеджмента» - М.: Рефл-бук, ООО «Фирма «Издательство АСТ». 2000. - 266C;
24. Электронная версия журнала «Кадры предприятия», №5 от 2004г. - Менеджмент стресса на рабочем месте - В. Сердюк;
25. Электронная версия Медицинской газеты № 43 от 08 июня 2005г. конспект врача «Синдром эмоционального выгорания» П. Сидоров;

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. NIOSH Work Organization and Stress Related Disorders. United States National Institute for Occupational Safety and Health. Проверено 1 декабря 2007. Архивировано из первоисточника 11 августа 2012.
2. Northwestern National Life Insurance Company [1991]. Employee burnout: America's newest epidemic. Minneapolis, MN: Northwestern National Life Insurance Company.
3. Princeton Survey Research Associates [1997]. Labor day survey: state of workers. Princeton, NJ: Princeton Survey Research Associates.
4. St. Paul Fire and Marine Insurance Company [1992]. American workers under pressure technical report. St. Paul, MN: St. Paul Fire and Marine Insurance Company.
5. Sauter S, Hurrell J, Murphy L, Levi L [1997]. Psychosocial and organizational factors. In: Stellman J, ed. Encyclopaedia of Occupational Health and Safety. Vol. 1. Geneva, Switzerland: International Labour Office, pp. 34.1-34.77.
6. Goetzel, RZ, Anderson, DR, Whitmer, RW, Ozminkowski, RJ, Dunn, RL, Wasserman J [1998]. The relationship between modifiable health risks and health care expenditure: An analysis of the multi-employer HERO health risk and cost database. *J Occup Environ Med*, 40:843-854.
7. NIOSH [2001]. NIOSH Worker Health Chartbook. National Institute for Occupational Safety and Health, Pub. No. 2004—146.
8. Primm,Dave."What Workplace Stress Research is Telling Technical Communication."TechnicalCommunication52(2005)449-455
9. Ten Years of Working Conditions in the European Union, 2005(недоступная ссылка — история). European Foundation for the Improvement of Living and Working Conditions.Проверено 1 декабря 2007. Архивировано из первоисточника 28 декабря 2007.
10. Report on the American Workforce. United States Department of Labor, Bureau of Labor Statistics. Проверено 1 декабря 2007. Архивировано из первоисточника 11 августа 2012.
11. Jacobs JA, Gerson K [2004]. The time divide: Work, family, and gender inequality. Cambridge: Harvard University Press.
12. Sauter SL, Murphy LR, Hurrell JJ, Jr. [1990]. Prevention of work-related psychological disorders. *American Psychologist* 45(10):1146-1158.

КИРИШ СЎЗИ

Глобаллашув жараёни олдимизга янги вазифаларни қўймокда. Биз шундай натижаларга келишимиз керакки, соғлом мухитни яратган ҳолда инсонлар хавфсиз шароитларда ишласинлар.

Тажриба шуни кўрсатадики, хавфсизлик маданиятининг юкори даражада бўлиши меҳнаткашларга, иш берувчиларга ва Хукуматга бирдек наф келтиради.

Меҳнатни муҳофаза қилишга қўйилаётган юкори талаб – узокни ўйлаб амалга оширилаётган сиёсатнинг натижаси, ижтимоий уч томонлама мулокот, жамоа мулокотлари, иш берувчи ва касаба уюшмалари. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида конунчиликни такомиллаштирилиши ва меҳнат гигиенаси меҳнатни муҳофаза қилиш йўналишидаги ишлар (меҳнат инспекцияси) нинг кучли фаолиятини акс эттиради.

Шу ўринда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатига эътибор қаратсан:

- корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи устуворлиги;
- меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятни иқтисодий ва ижтимоий сиёсатнинг бошқа йўналишлари билан мувофиқлаштириб бориш;
- мулк ва хўжалик юритиш шаклларидан қатъи назар, барча корхоналар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ягона тартиб-қоидалар белгилаб қўйиш; меҳнатнинг экология жиҳатидан хавфсиз шароитлари яратилишини ва иш жойларида атроф-муҳит ҳолати мунтазам назорат этилишини таъминлаш;
- корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари ҳамма жойда бажарилишини назорат қилиш;
- меҳнатни муҳофаза қилишни маблағ билан таъминлашда давлатнинг иштирок этиши;
- олий ва ўрта маҳсус ўқув юртларида меҳнат муҳофазаси бўйича мутахассислар тайёрлаш;
- хавфсиз техника, технологиялар ва ходимларни ҳимоялаш воситалари ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини рағбатлантириш;
- фан, техника ютукларидан ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ватанимиз ва чет эл илғор тажрибасидан кенг фойдаланиш;

- ишловчиларни махсус кийим ва пойабзал, шахсий химоя воситалари, пархез овқатлари билан бепул таъминлаш;
- корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шартшароитларини яратишга кўмаклашувчи солиқ сиёсатини юритиш;
- ишлаб чиқаришдаги ҳар бир баҳтсиз ҳодисани ва ҳар бир касб касаллигини текшириб чиқиши ҳамда хисобга олиб боришнинг ва шу асосда ишлаб чиқаришдаги жароҳатланишлар ҳамда касб касалликларига чалинишлар даражаси ҳақида аҳолини хабардор қилишнинг мажбурийлиги;
- ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига йўлиқкан ишловчиларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш;
- касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар ва алоҳида шахсларнинг меҳнатни муҳофаза қилишни таъминлашга қаратилган фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал этиш чоғида ҳалқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш принципларига асосланамиз.

Шунингдек, меҳнат муҳофазаси маданияти ўз ичига корхонада бошқариш тизимини ташкил қилиш, меҳнаткашларни бу тизимда иштирокини таъминлаш каби мажбуриятларни олади, шунингдек глобаллашув даврида, мамлакатда меҳнат муҳофазасини ривожлантиришдаги ракобатбардошликтининг ошиши бирор бир сабаб туфайли барбод бўлмаслиги ҳалқаро даражада кафолатланиши зарур.

Бундай мажбуриятлар Ҳалқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) тажрибасида меҳнат муҳофазасининг зарурий қарорлари уч томонлама шериклар яъни, хукуматлар, меҳнаткашлар ва иш берувчиларнинг ҳамкорлигига юзага келади. Ўзбекистон Республикасида 2014-2016 йилларга мўлжалланган Бош келишувда мазкур масалалар ўз аксини топган.

Таъкидлаш жоизки, ХМТ тавсияларига кўра тузилган ва меҳнат муҳофазасини бошқарув тизими мавжуд бўлган корхоналарда хавфсиз ҳамда самарали меҳнат кўрсаткичлари ўсмоқда. Замонавий раҳбарлар биладики, меҳнат унумдорлиги ва хавфсизликнинг ўсиши корхонанинг ракобатбардошлиги ошишига ишончли асосдир. Тахлиллар шуни кўрсатадики, кучли касаба уюшмаси бор жойда хавфсиз меҳнат шароити мавжуддир. Масалан, Швецияда юқори сифатли меҳнат муҳофазаси ходимларни самарали уч томонлама ҳамкорликка жалб қилингандан кейин юзага келган.

2003 йилдан бугунги кунгача Ҳалқаро меҳнат ташкилоти томонидан таъсис этилган Бутун жаҳон меҳнат муҳофазаси кунининг мавзулари

28 апрель	
Ҳалқаро меҳнат ташкилоти томонидан таъсис этилган Бутун жаҳон меҳнат муҳофазаси кунининг мавзулари	
2003	Глобаллашиш шароитларида меҳнат муҳофазаси маданияти
2004	Ҳар бир иш жойида меҳнат муҳофазаси маданияти
2005	Қурилиш соҳасида меҳнат муҳофазаси маданияти
2006	Иш берувчилар ва ходимларнинг вакиллик органлари томонидан ўз фаолияти доирасида ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларнинг олдини олишга бағишиланган ахборот-түшунтириш кампанияси
2007	Хавфсиз ва соғлом иш жойлари: муносиб меҳнатни ҳақиқатга айлантирайлик
2008	Касбий хатарларни бошқариш
2009	Хавфсиз меҳнат – ҳар бир инсон хукуки
2010	Хатарларни бошқариш ва янги меҳнат шароитларида профилактика
2011	Меҳнат муҳофазасини бошқариш тизими: узлуксиз такомиллаштириш йўли
2012	“Яшил” иктисадиётда меҳнат муҳофазасини илгари суриш
2013	Касб касалликлари профилактикаси
2014	Иш жойларида кимёвий моддаларидан фойдаланганда меҳнат муҳофазаси
2015	Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида профилактика маданиятини биргаликда юқори даражага кўтарамиз
2016	Иш жойида стресс (рухий зўриқиши): жамоа чақируви
2017	Меҳнатни муҳофаза қилишда маълумотларни тўплаш ва улардан фойдаланишини оптималлаштириш

БУТУН ЖАХОН МЕҲНАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ - 28 АПРЕЛЬ

Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) бутун дунёда иш жойларида баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларининг олдини олишга кўмаклашиш мақсадида 28 апрель куни Бутун жаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини расман эълон қилган ва ҳар йили нишонлаб келмоқда. Мазкур ахборот-тушунтириш тадбирининг мақсади – меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муаммоларга, меҳнат фаолияти билан боғлиқ жароҳатлар, касалликлар ва ўлимга олиб келган ҳодисалар сони ўсишига жамоатчиликнинг эътиборини қаратиш хисобланади. Дунёнинг барча миңтақаларида Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишлиб ҳукуматлар, касаба уюшмалари ташкилотлари, иш берувчилар ва меҳнат муҳофазаси соҳасида ишловчи мутахассислар тадбирларни ташкил этишади.

Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига ҳар йили рамзий шиорлар эълон қилинади ва шу шиор остида тадбирлар ташкил этиб келинмоқда. Мазкур кунини нишонлаб, меҳнат муҳофазаси соҳасида профилактика маданияти шаклланишига кўмаклашилади ва бунга уч томонлама иштирокчиларини, ҳамда ушбу соҳада ҳаракат қилувчи барча асосий манфаатдор тарафларни жалб этилади.

Муносиб меҳнат – бу, энг аввало, ҳавфсиз меҳнат. Ҳавфсиз меҳнат – муносиб меҳнат дастурининг тўртта стратегик вазифасига эришиш йўлидир. 1919 йилда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) ташкил этилган пайтдан бошлаб, меҳнат муҳофазаси соҳасида кўплаб стандартлар ишлаб чиқилган. Фақат ҳавфсиз ва соғлом меҳнат муносиб бўлиши мумкин. Меҳнат муҳофазаси ижтимоий ҳимоянинг ажralmas қисми хисобланади, муваффакиятли ва самарали ижтимоий сухбат эса – ҳавфсиз ва соғлом меҳнатни таъминлашнинг асосий қисмидир.

Ҳавфсиз ва соғлом меҳнат шароитларини яратиш асосини миллий сиёсат ташкил этади. Уни амалиётга жорий этиш меҳнатни муҳофаза қилиш миллий тизими деб аталган маҳсус инфратузилма билан таъминланади.

Тизим конунчилик, меъёрий тартибга солиш каби механизмларни ва тегишли ижро этувчи органларни, ҳамда ахборот таъминоти ва маслаҳат, ўқитиш ва таълим, саноат, тиббиёт ва гигиена хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасида жароҳатланиш ва касалланиш бўйича илмий-тадқиқот, маълумотларни йиғиши ва таҳлил қилиш каби тадбирларни ўзига олиши керак.

Сизларга маълумки, 80 йиллар ўрталарида АҚШ, Канада, кўплаб Европа ва Осиё мамлакатларида иш жойларида оғир жароҳатланиш олган ва ҳаёт билан видолашганлар сони мисли кўрилмаган даражада ошган. **1989 йилда** АҚШ ва Канаданинг йирик касаба уюшмалари ташкилотлари **“Ҳалок бўлган ҳодимларни хотирлаш куни”** номи билан ҳалок бўлган ишчиларни хотирлаш ташаббуси билан чиқган.

1996 йил Халқаро Меҳнат Ташкилотига Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунини таъсис этиш бўйича расмий таклиф киритилган.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг ташаббуси билан **2003 йилдан бошлаб 28 апрель “Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни”** деб эълон қилиниб, ушбу кунда дунёнинг 100 дан ортиқ давлатларида дунё ҳамжамиятини иш жойларида содир бўлаётган баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларга чалинишнинг олдини олиш ҳамда меҳнат муҳофазаси масалаларига эътиборни янада кучайтиришга қаратилган тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Халқаро Меҳнат Ташкилотининг маълумотларига кўра, дунёда баҳтсиз ҳодиса оқибатида ҳар йили ишлаб чиқариш билан боғлиқ ва касб касалликлари сабабли **2-2,3 миллион аёл ва эркак** ҳалок бўлмоқда, ҳар куни ўртача **5 минг одам** вафот этяпти.

Ҳар йили **270 миллион меҳнаткашлар** енгил, оғир шикастланишлар, ўлим билан тугаган ҳодисалар, **160 миллион касб касалликлари** рўйхатга олинмоқда.

Жароҳатланиш оқибатида ҳодимларнинг учдан бир қисми 4 иш кунидан ортиқ иш жойида бўлмаслик билан иқтисодиётга зарар келтиришади.

Бутун дунё иш кучининг ярмиси қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритмоқда. Ҳар йили содир бўлаётган **355 минг** айнан иш жойларидағи баҳтсиз ҳодисаларнинг ярми ана шу соҳа вакиллари билан содир бўляпти.

Ҳар йили ишда **12 минг бола** ишда ҳалок бўлмоқда.

340 минг меҳнаткаш ҳавфли моддалар таъсирида ҳалок бўлмоқда. Фақат асбестнинг ўзи таҳминан **100 минг** ҳаётни олиб кетяпти.

Бутун дунё бўйича ҳар йили радиация ҳавфи билан боғлиқ ҳавф туфайли **11 миллион** меҳнаткаш тиббий текширувдан ўтяпти. Биринчи ёрдам кўрсатиш лозим бўлган айрим касбларда **5 мингта** жароҳатланишга битта ўлим ҳолати тўғри келяпти.

Иш фаолияти билан боғлиқ бўлган юрак қон томир

касаллуклари ва таянч харакат тизими биргаликда йўқотишларнинг ярмини ташкил этяпти.

Мехнат фаолияти билан боғлик ўлимнинг асосий сабабларидан рак хасталиги – **32%** ни ташкил этяпти.

Дунёда 100 миллион корхона – кичик корхоналардир. Жами **3** миллиарднинг **1** миллиард меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик ва кичик корхоналарга тўғри келади.

Бахтсиз ходиса оқибатида ва ишлаб чиқаришдаги зўриқиши билан ўлаётганлар инфекцион касаллуклар билан халок бўлаётганлар сонига тенг.

Тадқиқотларга кўра 50 дан 60% гача иш вақти йўқотилиши Европада ишлаб чиқаришдаги стресс билан боғлик. Стресс – хаётда пайдо бўладиган қийинчиликларга қарши организмнинг курашувчанглигидир.

Бутунжаҳон соғлиқни саклаш жамияти маълумотларига кўра, стресс ҳолати кўп ҳолларда ишловчилар томонидан раҳбарият топшириклигини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажариш учун уларнинг билим савиялари пастлиги, тажриба етишмаслиги ёки касбдошлари ва раҳбарият томонидан босим остида ишлашлари, шунингдек, қўлларидан келмайдиган ишларга киришишлари натижасида келиб чиқади.

Стресс холатига тушиш табиий бўлсада, аммо у ишлаб чиқаришда бизнинг соғлиғимизга жисмонан ва манан салбий таъсири кўрсатади.

Стрессни бошқариш ҳар доим назорат остида бўлишни ва унга эътибор қартишни талаб қиласди.

Стресс инсон ишининг самарадорлигини жиддий равишда пасайтиради, шунинг учун раҳбар ходимларига ўзларини хотиржам ва дадил хис қиласдиган иш шароитларини яратиши лозим. Стресс бевосита ёки билвосита корхона мақсадларига эришиш харажатларини оширади. Агар стресслар таъсири жуда ҳам чўзилиб кетса, улар реал хавф касб этади.

Бироқ, стресс ижобий моҳиятга ҳам эга бўлиши мумкин деган фикр ҳам мавжуд. Янги мураккаб вазият туфайли келиб чиқсан стресс барча кучларни уни ҳал этишга сафарбар этишга туртки бериши ва инсон ривожланишида янги босқич очиб бериши мумкин, лекин фақатгина қатъий белгиланган вақт оралиги давомида.

Стресснинг турлари кўп бўлиб, ҳолдан тойиш ҳам, маънавий жароҳатланиш ҳам жуда оғир оқибатларга, ҳаттоқи ўлимга ҳам олиб

ЯКУНИЙ ХУЛОСА

Профессионал тиббиёт ва ҳавфсиликни таъминлаш хизматлари-нинг асосий вазифаси – соғлиқни муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлаш, ҳар бир меҳнат жамоаси ва уларда ишлайдиган ходимлар иш унумдорлигини ва барқарорлигини кўтаришдир. Шуни таъкидлаш жоизки, стресс табиати ва унинг сабабларини яхши билмасдан, ташкилот ва унинг ходимларига кўрсатадиган таъсири оқибатларини чукур таҳлил этмасдан ушбу масалалар ижобий ҳал этила олмайди.

ДАСТУРНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Стресс билан курашии дастурлари күйидаги принциплар асосида тузилади.

Биринчидан, иш жойида, уйда ёки жамиятда стресс аниқ чегаралари йўқлигини таъкидлаш керак. Ҳарбир инсон ўзига ҳос, аниқ чегараларга эга бўлмаган факторлар таъсирида бўлади. Бундан шундай ҳулоса чиқарса бўладики, тузилётган дастурлар хам иш жойидаги, хам инсонни шахсий ҳаётидаги пайдо бўлиши мумкин муаммоларни ҳисобга олиш керак.

Чунки жамоа раҳбарияти ва хамкасабаларнинг кўллаб-куватлаши ишчининг шахсий муаммоларини ижобий ҳал этилишида муҳим аҳамият касб этади. Бундай кўллаб-куватлашдан жудо бўлиши ходимнинг иш қобилиятини йўқотишига олиб келиши мумкин.

Иккинчидан, стресс бошқа инсонларга хам ўтиб кетиши мумкин. Стресс конкрет инсонларга ва хамкасларга хам ўз салбий таъсирини кўрсатади. Бундай стресс тури билан терапевтик ва профилактик йўли билан курашиш мумкин.

Учинчидан, стресс билан курашда факат инсонни ўзи ғалаба қозониши мумкин. Стресс таъсирида бўлган ходимларни аниқлаш, уларга маслаҳат, лозим ҳолларда малакали шифокорларга тавсия килиш мумкин, лекин бунга инсонни шахсий розилиги талаб этилади. Бу борада инсон шахсиятлиги борасида сирдошликни сақлаш сиёсатга қатъиян риоя қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Тўртингидан, иш жойида стресс жараёнини назорат қилиш раҳбарларнинг зиммасига киради. Дастурлар ходимларни саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни моддий барқарорлигини кўтариш сиёсати асосида тузилиши керак. Бу сиёсат кундалик равишдаги фаолиятда, барча поғонадаги раҳбарларни ходимларга нисбатан муносабатларида акс эттирилиши лозим.

Бешинчидан, ходимлар ўзларини стрессга сабаб бўлган факторларни аниқлаш, уларни олдини олиш бўйича дастурларни ишлаб чиқишида бевосита ва фаол иштирок этишлари ижобий натижаларга эришишни кафотлайди. Шунингдек, дастурларни муваффақиятли ва сифатли ижроси ходимларни бу соҳадаги тўғри тушунчаларга эгалигига боғлиқ. Бу борада инсонга хеч қандай зарар келтирмасликка, стрессга олиб келувчи факторларни олдини олишга қаратилган тадбирларни тезкор амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга.

келиши мумкин ва салбий оқибатларни қискартириш учун бир катор профилактик тадбирлар лозим.

2016 йил 28 апрель куни ўтказилиши решалаштирилаётган “Бутунжоҳон меҳнатни муҳофаза қилиш куни”га бағишиланган “Иш жойида стрессни бартараф этиш муносаб мөхнат омилларидан бири” мавзуусидаги Республикамиздаги давра сұхбати дастурининг мазмун мақсади хам стресснинг келиб чиқиши омилларини аниқлаш, таҳлил ва бартараф қилишдан иборат бўлиб, мөхнат шароитлари даражаси ҳодимларнинг иш жойидаги руҳиятига таъсирини ўрганиб чиқиши ва меҳнаткашларга амалий ёрдам беришдан иборат.

Мазкур тўплам иш жойидаги стресс ҳолатини олдини олишда меҳнаткашлар билан бир қаторда ишларни ташкил этишда иш берувчиликага хам қўмак беришiga умид қиласиз.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларда, шунингдек, меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган айрим фуқароларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳолда юз бериши мумкин бўлган ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил заарланишини олди олинишига ҳамда ҳамкорликда белгиланган ижтимоий-иктисодий ривожланиш натижаларига эришиш имконияти яратилишига хизмат қиласиз.

ИШ ЖАРАЁНИДАГИ СТРЕСС

Дунё иктисодиётидаги инқироз туфайли иш жойларида стресс ҳолатини енгиш тобора кийинлашмоқда. Стресс ҳолатига тушиб табиий бўлсада, аммо у ишлаб чиқаришда бизнинг соғлиғимизга жисмонан ва манан салбий таъсири кўрсатади.

Стрессни бошқариш ҳар доим назорат остида бўлишни ва унга эътибор қаратишни талааб қиласиз.

Иш жойидаги стрессни қандай енгизи мумкин?

Биз иш вақтида ҳиссий портлашларни хис қилишимиз мумкин.

Ишдан бўшатиш, штатнинг қисқариши, бюджетни қисқариши каби ҳолатлар натижасида эртанги кунимизга ишончсизлик, кўркувнинг пайдо бўлиши сабабли стресс даражаси ошишига олиб келади.

Шунинг учун, айниқса, иктисодий инқироз даврида, стрессни бошқариш учун янги ва самарали йўлларини топиш муҳим аҳамиятга эга.

Иш вақтида стрессдан чиқа олиш ҳолати факатгина бизнинг жисмоний ва манан соғлиғимизни тиклаб қолмасдан ишдаги омад ва муваффақиятни хис қилишга ёрдам беради.

Сизнинг стресс ҳолатидаги кайфиятингиз бошқаларга хам тез таъсир қиласди.

Сиз ўзингизнинг хис туйгуларингизни бошқара олсангиз бу сизнинг атрофинингиздаги инсонларга хам ижобий таъсир қилиб уларни ёмон туйгулардан асрайди.

Сиз иш вақтида стресс ҳолатини бошқаришни ўрганишингиз мумкин.

Иш фаолиятингизда стресс ҳолатини камайтиришнинг бир қанча босқичлари мавжуд. Бунга қуидагиларни мисол қилиш мумкин:

жисмоний ва руҳий туйгуларни яхшилаш бўйича жавобгарликни ўзингизга олиш;

ишидаги стресс ҳолатини кучайтирувчи зарарли одатлар ва муносабатлардан қутлиши;

раҳбарият ва ходимлар билан ўзаро муносабатларни яхшилаш ва енгиллаштириш бўйича янги йўлларнини ўрганиш.

1-МАСЛАХАТ: Иш вақтидаги меъёридан ортиқ хаяжон белгиларини, босимни аниқлашни ўрганиш.

Керагидан ортиқ иш юкланданда, сиз ишончсизликни йўқотиб, асабийлашишингиз мумкин. Бу сизни ишга бўлган муносабатингизни камайтиришга олиб қелади. Агар сиз иш вақтидаги стрессларга аҳамият бермасангиз, у ҳолда катта фокиаларга олиб келиши мумкин.

Асоратли стресс ҳолати жисмонан ва маънан соғлиғимизда муаммолар туғдириши мумкин.

Иш жойларида стресснинг кўп учрайдиган ҳолатлари

1. Тушкунлик ва жазавага тушиш, безовта бўлиш туйғуси.
2. Ишга бўлган қизикишни йўқолиши.
3. Уйқунинг бузилиши.
4. Чарчаш.
5. Фикрни жамлай олмаслик.
6. Бош оғриги ва бўғинлардаги оғрик.
7. Ошқозондаги муаммо.
8. Стресс ҳолатидан чиқиш учун спирли ичимлик ичиш ёки чекиши.

6. Стрессга олиб келувчи шахсий факторлар билан курашии бўйича маслаҳатлар

Ходимни оиласи ва истиқомат қилиш жойидаги факторлар асосан шахсий муаммолар каторига кирсада, барибир шундай холосага келиндики, бундай стресс турлари ишлаб чиқаришга, бошқа стресс-факторлар билан биргалиқда ходимнинг, иш барқарорлиги ва қобилиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли, иш берувчи томонидан ушбу стресс-факторларни хисобга олган ҳолда маҳсус дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши зарур. Энг кўп учрайдиган бундай стресс-факторлар турлари қуидаги расмда кўрсатилган.

A. ХОДИМЛАР ЖАМОАЛАРИДА УЧРАЙДИГАН ШАХСИЙ СТРЕСС МАНБАЛАРИ

- **Хис-туйғу ва ҳулқ атворга оид муаммолар**
 - руҳий касалликлар
 - депрессия
 - безовталик хисси
 - наркотик ва алкогольни сунистемол қилиш
 - қимор ўйнлари
- **Онлайвий муаммолар**
 - яшаш жойининг узоқлиги
 - уйдаги ташвишлар
 - эр-хотивлик билан боғлиқ қийинчиликлар
 - фарзандлар билан боғлиқ қийинчиликлар
- **Ижтимоий характердаги муаммолар**
 - ишга бориш ва қайтиш
 - машқ қилиш ва ўқип имкониятларининг мавжудлиги
 - тиббий хизмат олиш имконияти



Б. ИШ ЖОЙИ БЎЙИЧА ДАСТУРЛАР

- **Иш жадвали вақтини ўзгартирин**
 - ўзгарувчан иш соатлари
 - меҳнат таътили вақти, бўш шабалар
- **Ўқитиш ва маслаҳатлар бериш**
 - кераклий йўналтириш мавзумот берин ва йўналтириш
 - ишхонадаги хамкаслар томонидан кўллаб-кувватланиш
 - ходимларга ёрдам кўрсатиш дастурлари
 - нафақага чиқишидан олдинги дастурлар
 - нафақага чиққандан кейинги дастурлар
- **Дам олиш ва мулокот қилиш дастурлари**
 - жисмоний тарбия ва спорт билан шутулланиш
 - ижтимоий клублар, хор ва бошқалар
- **Ходимлар учун тиббий хизмат**
- **Моддий ёрдам**
 - қарз бериш жамғармалари
 - солиқ солинмайдиган хисоб рақамлар



Иш-жойидаги стресс-факторларни бартараф қилувчи дастурлар

3. Корхона ходимлари ўртасидаги ўзаро муносабатлари

Корхона ходимлари ўртасидаги ўзаро муносабатлари бўйича стресс-факторлар асосийлар қаторига киради. Бу борада айрим иш берувчи раҳбарлар оддий ишчиларга нисбатан кўп ва бехурмат муносабатлари ўз салбий таъсирини кўрсатади. Дини ёки ирқи бўйича қарама-қаршиликлар хатто зўрвонлик холатларига олиб келиши мумкин. Бундай холатларни олдини олиш борасида батафсил режа ишлаб чиқиш ва амалга киритиш, ушбу режа асосида шикоят қилган шахсларни ҳимоялаш ва айбдор шахсларга нисбатан интизомий жазо қўллаш чораларни амалга ошириш.

4. Иш жойида стрессга олиб келувчи факторларни бошқарши

Иш жойида стрессни минимумга қадар пасайтириш бўйича факторларни самарали бошқариш корхона зиммасига киради. Бу барча поғонадаги иш берувчи раҳбарларнинг маҳсус тайёргарлиги, иш жойидаги ходимлар муаммоларини самарали ечимини топиш муҳим аҳамият касб этади.



5. Ташкилот доирасида стресс жараёнини бошқарши

Ташкилот ягона шаклида стресс ҳолатига учраши мумкин, агар бу жараённи тўғри бошқармаса, стресс ходимларга тарқалиб, ишлаб чиқаришнинг ҳамма босқичларига салбий таъсирини кўрсатади. Бу борада ҳамма потенциал факторларни ўз вактида аниқлаш ва олдини олиш бўйича режага тегишли чораларни киритиш ҳамда уларни бажарилиши юзасидан ташкилотни хатти-харакатларини мувофиқлаштириш ва ушбу фаолият ҳақида, албатта, ташкилот ходимларига маълумот етказиш. Айниқса иктиносидий қийинчиликлар, корхонанинг сотилиши, тугатилиши, кадрларни қисқартирилиши даврида бу муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Умумий стресснинг кўп учрайдиган ҳолатлари

1. Бўшашдан қўрқиш.
2. Юқори даражада ишлаш учун иш берувчи томонидан босим ўтказиш.
3. Ишдан қониқмаслик.

2-МАСЛАХАТ: Ўзингизга қайгуриш орқали ишдаги стрессни камайтириш.

Стресс сизнинг қобилиятингизга, ишингизни бажаришга таъсирини кўрсатса, шахсий хаётингизни бошқариш ёки соғлиғингизга ўзининг салбий таъсирини кўрсатса, у ҳолда чоралар кўриш керак.

Бошланишига ўзингизнинг жисмоний ва руҳий соғлиғингизга эътибор қаратинг.

Агар эҳтиёжларингиз сизни қониқтирса, сиз стрессга янада мустаҳкам ва кучлисиз.

Сиз ўзингизни қанчалик яхши хис қилсангиз, иш вақтида стрессни шунчалик яхши бошқарасиз.

ХАРАКАТЛНИНГ

Аэробика машқлари билан шугулланиш юрак уришини тезлаштиради ва терлашга мажбур қиласди.

Бу кайфиятни кўтаради, энергияни оширади ҳамда танангизни ва руҳни дам олиши учун жуда самарали усуздир.

Стрессни максимал даражада енгиллатиш учун 30 дақиқа аэробика машқлари билан шугулланиши.

СОГЛОМ ОВҚАТЛАНИШ ТАРЗНИ ТАНЛАНГ

Кон таркибидаги қанд миқдори кам бўлган тақдирда сизда хаяжон ва ғазабланиш кузатилади, кўп бўлган тақдирда эса ўзингизни холсиз хис қиласиз.

Агар кун давомида кам миқдорда овқатлансангиз, у ҳолда танангиздаги қанд миқдорини бир маромда ушлаб туриб, кайфиятингиздаги ўзгаришларни олдини оласиз.

СПИРТЛИ ИЧИМЛИКНИ МЕЙЁРИДА ИСТЕМОЛ ҚИЛИБ, НИКОТИНДАН ВОЗ КЕЧИНГ

Спиртли ичимликлар вақтинча безовталикини камайтиради. Лекин унинг таъсири кетгандан сўнг, яна безовталик такрорланади.

ТҮЛИҚ УХЛАНГ

Стресс хаяжон ва уйқусызликни келтиришидан ташқари бундан катта стрессга олиб келиши мүмкін. Агарда сиз түлиқ дам олган бўлсангиз руҳий хотиржамликни сақлаб колишингизда ва иш вақтидаги стресс билан курашишда ёрдам беради.

3-МАСЛАҲАТ: Иш вақтидаги стрессни камайтириш учун қўйидаги маслаҳатлардан фойдаланишингиз мумкин.

1. Тай-менеджмент:

- а) мувозанатли графикни тузинг;
- б) иш режасига эътиборни қаратинг;
- в) ишни 10-15 дақика эртароқ бошланг;
- г) мунтазам танаффусларни режалаштиринг.

2. Вазифаларни бажариш:

- а) вазифанинг юқорилиги, муҳимлилиги;
- б) катта лойиҳаларни бажариш учун танаффуслар;
- в) жавобгарлиликни тақсимлаш;
- г) келишиш учун тайёр бўлинг.

4-МАСЛАҲАТ: Иш вақтида стрессни камайтириш мақсадида хиссий интеллектни яхшиланг.

а) Яширин босимни аниқлашни ўрганинг.

б) Иш вақтидаги хиссий интелект қўйидагилардан иборат:

- ўзини тан олиш;
- ўзини бошқариш;
- ижтимоий тан олиш;
- ўзаро мулоқотда бўлиш.

в) Ҳиссий интелектнинг беш тамоили:

- стрессга бўлган реакциянгизни (таъсиранлигингизни) тушунинг;
 - ички хиссиятингиз билан қолинг;
 - новербал сигналларни тан олинг ва фойдаланинг;
 - ҳазил мутойиба йўли билан муаммоларни ечинг;
 - тўқнашувларни ижобий ҳал этинг.

тушириш бўйича дастурлар ишлаб чиқлади. Уларга аудиоматериаллар ва видеотасвиirlар, брошюралар ва бошқа воситалар билан таъминланган семинарларни ўтказиш, маҳсус ишли гурухларни тузиш каби тадбирлар киритилади. Шу қаторида қўйидаги умумий элементларни ажратиш мумкин:

- Стресс даражасини кўпаяётгандигини билдирадиган аломатлар ва факторларни аниқлаш бўйича тренингларни ташкил этиш.
- Ходимлар билан шахсий хотиржамлик даражасини ва стрессга каршилигини ошириш бўйича тренингларни ташкил этиш.
- Стрессни пасайтириш усуллари.

Айрим усуллар қўйидаги расмда келтирилган. ”Шахсий тарзда самимий сухбат” - бу ходимларни иш берувчи билан ёки усиз ташкил этилаётган учрашув, унда ходимнинг хамма шикоятлари очиқ тарзда билдирилади. Ушбу учрашувлар касаба уюшма мажлисларига ўхшаб кетади.



Инсон хотиржамлигини оширилишига келтирадиган баъзи тадбирлар.

1.Стресс симптомларини бошқариши

Стресс ҳолатлари бўйича мисолларни кўриб чиқамиз. Ушбу “тиббий модел” стресс симптомлари билан инсонларни аниқлашга ва улар орасида тушунтириш ишларни олиб бориш ва кўнгилли равишда профессионалларга мурожаат қилишлари хамда лозим ҳолларда даволанишлари учун кўндиришга қаратилган.

Ушбу масалалар махсус дастур асосида, корхонадаги ишчилар соғлигини сақлаш хизмати ёки маслаҳат хизматлари билан ҳал этилади. Кенг кўламли хизматлар доирасига шахсий суҳбат ва тадқикотлар, “мазкур тезкор алоқа тизими” (горячая линия), барча йўналишдаги малакали мутахассисларга эга бўлган махсус марказлар киради. Ушбу мутахассислар шартнома ёки ўриндошлик асосида ишлашлари мумкин. Алоҳида ҳолларда бошқа йўналишдаги мутахассисларни таклиф қилиш ва уларнинг ёрдамидан фойдаланиш мумкин. Марказлардаги баъзи бўлимлар кўриб чиқаётган ҳолатлар юзасидан хамма йўналишдаги муаммолар ечимлари устидан ишлайдилар, бошқа бўлимлар ўз эътиборларини конкрет синдромларга қаратади, мисол, юқори артериал қонбосими, бел оғриғи, алкоголизм, гиёхвандлик ёки оиласвий муаммолар. Ушбу элементларни стресс билан курашиш дастурларига киритилиши қўйидагиларга асосланган:

- Соматик шикоятлар бўйича кўпчилик тақрорланаётган симптомлар (мушаклар, бел, бош, ошқозон оғриқлари ва бошқалар) асосан стресс сабабли бўлаётганлигини тан олиш керак. Асабни босиш воситалар ёки маслаҳатларни бериш ўрнига малакали мутахассис бунга жиддий ёндошланиб, эътиборини стрессга олиб келган факторларни бартараф этишга қаратади.

- Агар мазкур шикоятлар корхона ишлаб чиқариш бўлими кўпчилик ходимларидан тушган бўлса, у ҳолда стресс-факторларни излаш бўйича тадқикотларни ўтказиш зарур.

- Зўравонлик ёки ўлим билан тугаган баҳтсиз ходисага гувоҳ бўлган ходимлар билан тадбирлар ўтказиш.

- Ушбу ҳолатларда ходимлар иш фаолиятини вақтинча тўхтатиш ёки улар билан стресс даражасини пасайтириш ва нормал ҳолатига келтириб иш қобилиятини тиклаш бўйича махсус тадбирларни ўтказиш.

2. Инсон хотиржамлиги даражасини пасайтириши

Асосан инсон хотиржамлиги даражасини пасайтирадиган элементлар ўрганилиб, шу асосида инсонда стрессдан нормал ҳолатга

СТРЕСС ВА УНГА ҚАРШИ КУРАШИШ УСУЛЛАРИ

Бутунжаҳон соглиқни сақлаши ташкилоти маълумотларига кўра, стресс ҳолати кўп ҳолларда ишловчилар томонидан раҳбарият топшириқларини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажариши учун уларнинг билим савиялари пастлиги, тажриба етишимаслиги ёки касбдошлири ва раҳбарият томонидан босим остида ишлашлари, шунингдек, қўлларидан келмайдиган ишларга киришишилари натижасида келиб чиқади.

СТРЕСС САБАБЛАРИ

Стрессга ишлаб чиқариш жараёнларида тез-тез учраб турадиган бир нечта сабаблар омил ҳисобланади:

- Муайян иш шароитлари. Кўпгина касб ва алоҳида меҳнат масалалари (топшириқлари) инсон имкониятларига мос келмайдиган ўзига хос меҳнат шароитлари билан ажралиб туради. Унинг олдига кўйилган топшириқларни бажариш учун ходимнинг муайян иш вақтида ишлаб чиқариш топшириқларини иш шароитларидан келиб чиқиб белгиланадиган иш тезлигига бажариши, кўп ҳолларда раҳбарият томонидан ижобий баҳоланмайди.
- Бундан ташқари, ходимнинг жисмоний ва интеллектуал имкониятлари ҳар доим хам унинг лавозимига қўйиладиган талаб даражасида бўлмайди. Бундай ҳоллар эса касбий сиқилиш ҳолатлари келиб чиқишига олиб келади. Масалан, тунги сменада ишловчи ходимларнинг 20% да психофизиологик дисфункция, жумладан юрак-қон томир системаси патологияси кузатилади.
- Ходимнинг ташкилотдаги тутиб турган ўрни (статус). Инсоннинг ишлаб чиқариш иерархиясидаги (поғонасидаги) ўрни психоэмоционал мувозанат ҳолати учун катта аҳамият касб этади. Стресс ҳолатига иш бажарувчи ёки юқори раҳбарлардан кўра ўрта бўғин раҳбарлари кўпроқ учраши таъкидланган. Бунга сабаб, вертикал бўйинсуниш тизими остида ишлаш, яъни юқори раҳбарият топшириқлари ва қўл остидаги ишловчилар томонидан ушбу топшириқларни бажариб бериш имкониятлари мутаносиблигини топиш мушкуллигидир.
- Мансаб бўйича кўтарилиш ва бу жараённи тезлатиш имконияти. Инсон хамиша юқорига интилишга ўрганган. Юқори лавозимни эгаллаш - молиявий таъминотнинг яхшиланишига ва кенг имкониятларга эга бўлишдир. Баъзи ходимлар учун эса – ўзлари учун “мен” дейиш имкониятини беради. Бундай имкониятларнинг йўқлиги

жиддий стресс фактори ҳисобланади.

- Раҳбарият ва касбдошлар билан ўзаро муносабатлар. Ҳар қандай ишлаб чиқариш жараёнлари, жуда кам ҳолларда силлиқ ва ўзаро манфаатли бўладиган меҳнат муносабатларини назарда тутади. Ушбу омил кўп ҳолларда стресс келтириб чиқарувчи асосий сабаб ҳисобланади.

- Ташкилотдаги умумий меҳнат муҳити. Ташкилотдаги умумий сиёсатни юқори раҳбарият белгилайди ва бу сиёсат ходимларга уларнинг бошликлари томонидан таксимланади. Ташкилотнинг катталиги, унинг тутган ижтимоий мавқеига кўра, ишлаб чиқариш жойларидаги умумий муҳит хам шунга яраша бўлади.

- Ходимнинг бажараётган ишига унинг меҳнат мажбуриятларининг мос келмаслиги натижасида юзага келадиган хиссий жанжал (конфликт). Инсон қўлидан иш келадиган, лекин жисмоний ҳолати бунга тўскинилк қиласидан биринчى омилдан фарқли равишда, ушбу ҳолатда, эгаллаб турган лавозимига умуман мос келмайди.

- Бизнинг мамлакат миқёсида – бу камдан-кам учрайдиган стресс омилидир, яъни маълумоти паст бўла туриб юқори лавозимни эгаллаган ходимлар стресс ҳолатларига чидамлилиги юқори бўлади.

- Ривожланган давлатлардан фарқли ўлароқ, лавозими бўйича юклатилган мажбуриятларга нисбатан ривожланаётган давлатларда ойлик маошнинг нисбатан камлиги стресс ҳолати юз беришининг асосий сабабларидан биридир.

- Шахсий меҳнат шароитлари сиқилиш ҳолати ривожланишида субъектив характерга эга. Кўп ҳолларда стресс ҳолати ўз имкониятларини намойиш эта олмаслигидан, ходимнинг барча ҳислатларини очиб бера олмаслигидан, касбий жараёнларни тушунмаслигидан, меҳнат мажбуриятларини бажариш ечимларининг йўқлигидан, раҳбар топшириклиарининг ақл бовар қиласлигидан келиб чиқади.

- Меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори оширилмасдан иш юкламаларининг оширилиши. Бундай ҳолатлар айрим ривожланаётган давлатлар меҳнат муносабатларида учраб туради.

- Иш жойларида раҳбарият томонидан ишдан бўшатиш тўғрисидаги тазииклар ҳам тез-тез учраб туради. Пул ишлаб топишнинг асосий манбаи бўлган ишни йўқотиб қўйиш олдидағи кўркув ходимни кам маош эвазига бўлса хам оғирроқ ишларни қилишга рози бўлишга мажбур қиласи. Бундай ҳолатлар кўпинча

ҲАЛҚАРО МЕҲНАТ ТАШКИЛОТИ: ИШ ЖОЙИДА СТРЕСС ҲОЛАТЛАРИ БИЛАН КУРАШИШ ДАСТУРИ

Стресс – бу барча давлатларнинг аҳолиси ҳаётига хос бўлган аломатdir. Стресс инсонни ички ҳиссият дунёсига, оила аъзолари, дўстлари, хамкаслари ва нотаниш инсонлар билан муносабатларига, унинг иш қобилиятига салбий таъсири кўрсатади. Стресс меъёрдан ортиқ бўлса, у ҳолда инсонда жисмоий ва психологик симптомлар пайдо бўлади, агар стресс вақти кўп бўлса, унда инсон барча касалликларга чалиниши мумкин. Стресс инсонни атроф муҳитга нисбатан муносабатини ўзгартиради, бутун жамоа фаолиятига салбий таъсири кўрсатади.



СТРЕСС БИЛАН КУРАШИШ БЎЙИЧА ДАСТУРИНИ ТУЗИШ

Иш жойида стресс билан курашиш дастури бир бирига боғлиқ бўлган бир неча элементларидан иборат. Уларни айримлари стресс билан курашиш дастури деб аталади, айримлари эса жамоанинг умумий бошқарувининг маълум қисми бўлиб, стресс ҳолатини назорат қилиш учун қаратилган. Айрим элементлар алоҳида ходимлар ва гурухлар фаолияти билан боғлиқ бўлган; бошқалари иш жойларда қаратилган бўлиб, меҳнат жамоаси фаолияти самарадорлигини пасайтиради. Ушбу стресс-факторлар алоҳида ишчи-ходимлар ва бутун меҳнат жамоаси фаолиятига салбий таъсирини кўрсатади. Биз стресс билан курашиш дастурининг куйидаги элементларини ва улар таҳлилини келтирмоқчимиз.

- Мажбуриятларни аниқ тақсимлаш.
- Ишни бажариш билан қарорларни қабул қилишда айрим даражада эркинлик бериш.
- Ишчиларга мавке бўйича кўтарилишда аниқ истиқболларни кўрсатиши.

– Ишчилар ўртасида ижтимоий фаоллик имкониятларини таъминлаш.

– Иш жадвалини ишчилар истаклари ва имкониятларига мослаштириш.

Ҳар қандай кўринишда камситиш билан курашиш (ирк, жинс, миллат, тил ва бошқа фарқлар бўйича).

Жорий муаммоларни аниклаш учун мустакил кузатувчига, масалан маслаҳатчига мурожаат қилиш.

St. Paul Fire and Marine Insurance Company компанияси томонидан касалхона шароитларида стресснинг олдини олиш чоралари самара беришининг бир нечта тадқикоти ўтказилган. Ходимларни ўқитиш чоралари кўрилган, стресснинг ташкилий манбалари таъсирини камайтириш мақсадида касалхона сиёсати ўзгартирилди ва ходимларга ёрдам бериш дастурлари жорий этилди. 700 кишига мўлжалланган касалхонада ўтказилган биринчи тадқиқот барча олдини олиш чоралари кўрилганидан сўнг шифокорлар томонидан кўйилган хатолар сони 50% га камайганини кўрсатди. Иккинчи тадқиқот 22 та касалхонада ўтказилди, у шикоятлар сони 70% га камайганини кўрсатди.

Масофадан иш – стресс даражасини камайтиришнинг яна бир йўли. Ишчи иш берувчининг топшириғини қаерда бажаришни ўзи танлайди, бунда ўз меҳнати жараённада кўпроқ назорат даражасига эга бўлади. Шу усулда ишлайдиган ишчилар бундай иш кўпроқ кондиради ва иш ва дам олиш ўртасида талаб этилган мутаносибликни таъминлайди деб ҳисоблашади.

қишлоқ жойлардаги, ишсизлар сони бўш иш ўринлари сонидан кўп бўлган, кўшимчасига оптималь ойлик маошлар мавжуд бўлган ташкилотларда кузатилади.

СТРЕСС ҲОЛАТИНИНГ ТАРҶАЛИШИ

Иш жойларида сикилиш ҳолати ўтказилган социологик тадқиқотлар маълумотларига кўра, сўровномада иштирок этганларнинг 3/2 кисми, иш жойи ва лавозимидан катъий назар, иш жойларида стресс ҳолати бўлганини эътироф этганлар. Уларнинг 4/1 кисми фикрига кўра, иш жойлари стресс ҳолати манбаи ҳисобланган.

Кўпгина давлат муассасаларидағи кадрлар оқувчанлигининг асосий сабаби – иш жойларидағи сикилиш ҳолатлари. Айниқса, бу ўрта бўғиндаги раҳбар ва мутахассисларни қамраб олган.

Эркак ва аёллар стресс ҳолатларида бир хил муносабатдалар, лекин аёллар ўзаро муносабатларда кўпроқ хиссиётлилар, эркаклар эса аёллар меҳнатининг камчиликларини кидирадилар. Бинобарин, эркаклар жисмоний патологиядан сиқилсалар, аёл меҳнаткашлар стресс ҳолати оқибатида юзага келадиган психик аччиқланишдан азият чекадилар. Ушбу ҳолат аёлларнинг сапчиқларни, эркакларнинг эса босиқларни оқибатида юрак қон-томир, ошқозон-ичак ва сийдик йўли системаларидағи касалликларга олиб келади.

Кўпболали оила бошлиқлари боласиз ёки ёлғиз инсонларга караганда стресс ҳолатига тушишга мойилдирлар.

ИШ ЖОЙЛАРИДА СТРЕСС ҲОЛАТИНИ ЕНГИБ ЎТИШ

“Иш жойида стресс ҳолати олдини қандай олиш мумкин” деган саволга оддий жавоб – стресс ҳолатини ўз кучи билан бошқариш ва иш жойларида ташкилий ўзгаришларни амалга ошириш керак, деб жавоб бериш мумкин.

Биринчи навбатда стресс ҳолатига тушиш сабабини излаб топиш керак. Бусиз стресс ҳолати билан курашиб ёки ундан кутилиб бўлмайди.

Кейинги босқичда ўз касбий имкониятларини тўғри баҳолаш ва эгаллаб турган лавозимга нисбатан ички мойилликни аниклаш керак. Балки ўз касбий вазифаларига бўлган муносабатни тубдан ўзгартириш зарур бўлади. Гап ишдан бўшаш тўғрисида кетаётгани йўқ, холбуки бу юзага келган муаммони ҳал қилишнинг энг тўғри йўли ҳисобланади. Шунинг учун, агар маоши юқорироқ ва иш шароитлари тўғри келадиган бошқа ишга ўтиш имкони бўлса, ундан фойдаланиш тўғри қарор бўлади.

Кўп психологлар фикрига кўра, вақтинча ишлаш фаолиятини тўхтатиб туриш ҳам фойдадан холи эмас. Гохида кичик таътилга чиқиш ҳам муаммонинг ўз-ўзидан ечимини топишига йўл очиб беради. Агар қандайдир объектив сабабларга кўра меҳнат таътили олиш имконияти бўлмаса, “касал бўлиб қолиш” мумкин. Бу ҳам бир вариант.

Агар бундай имкониятлар бўлмаса, *стресс ҳолати олдини олишининг қўйидаги шартлари мавжуд*:

- Ишлаб чиқариш юкламалари ва уларни бажаришда ўз имкониятларига ҳаққоний (объектив) баҳо бера олиш керак.
- Шахсий иш жойини тоза ва тартибли ҳолатда сақлаш керак. Объектлар шундай жойлаштирилиши керакки, бу орқали орқали иш вақтидан максимал даражада унумли фойдаланиш керак.
- Ўз иш вазифаларини аниқ тушуниш ва уларга ва ишлаб чиқариш йўрикномаларига тўлиқ амал қилиши.
- Ходимларнинг шахсий эҳтиёжлари учун ажратилган вақтни (чой ёки кофе ичишга, сигарет чекишга) унумли ўтказиш лозим.
- Ҳамкаслар билан, ишлаб чиқариш фаолиятини имкон даражасида камроқ мухокама қилиш керак. Бунинг учун иш раҳбарига мурожаат килган маъкул, у буни яхшироқ билади.
- Ҳар эҳтимолга кўшни ташкилотларда шунга ўхшашиб ўш иш ўринлари мавжудлиги тўғрисида ахборот олиб туриш. Бу ишдан бўшаш тўғри келмаса-да, кўнгил хотиржамлиги учун мухим.
- Иш жараёнида имкон қадар оммавий замонавий коммуникация ҳизматларидан фойдаланиш. Бу фойдали ва актуал нарсалардир.
- Иш вазифаларини бажаришда уни бажаришга алоқадор бўлган ходимлар билан кўпроқ мулоқотда бўлиш.
- Ҳиссий тинч ҳолатни сақлашнинг яна бир йўли – иш кунида бажарилиши лозим бўлган вазифаларни тўғри ва ўринли тақсимлаш.

СТРЕСС ҲОЛАТИ КЎРСАТКИЧИ

Психолог ва психиатр ходимларда инсон ҳаётидаги ижобий ёки салбий ҳолатларини белгиловчи рақамли кўрсаткичлар (шкала) мавжуд бўлиб, унга кўра, кўрсаткич белгилари, қабул килинган стресс ҳолатининг оғир ва ҳаяжонлилигига қараб юқори бўлади. Ушбу шкала инсон стресс ҳолатини яхшироқ тушуниш ва унга келажакда қандай хавф туғдириши мумкинлигини (узоқ давом этувчи жисмоний касалликми ёки оғир психопатологик ҳолатми) аниқлаш имконини беради.

таъсир кўрсатади. Стрессга барча ходимлар дуч келса ҳам, корхона раҳбарлари унга камроқ учрайди. Корхонада қуий лавозимларда ишловчи ходимлар ва уларнинг бевосита раҳбарлари стрессдан кўпроқ азоб чекади.

21-аср бошида иқтисоддаги ўзгаришлар ишчиларга стресс таъсири ошишига олиб келди. Компьютер техникини юқори технологик алоқа воситалари оммавий жорий этилиши юқори меҳнат унумдорликка эришиш имкониятини яратди. Бу ходимлар ўртасида рағбат ривожланишига ва уларга нисбатан талаблар ошишига олиб келди, шунинг учун меҳнат жараёни аввалгига нисбатан нотинч бўлиб қолди.

Қўйидаги иқтисодий омиллар иш жойидаги стресс сабаблари бўлишлари мумкин:

- Компания айланмасидан пул маблағларини тез чиқариши мумкин бўлган сармоячилар томонидан босим.
- Иш жойида савдо ва касбий бирлашмалар етишмаслиги.
- Ташки рақобат билан кўзғатилган компанияда ички рақобат.
- Иш берувчи томонидан тазийк шароитида ишчининг ўзгариб тураётган меҳнат шароитларга мослаша олмаслиги.
- Кўрқитиши, кўполлик ёки ишдан сиқиб чиқариш ҳам стрессга олиб келади.

Белгилари:

Стресс кайфият бузилиши, уйқу бузилиши, диспепсия, бош оғриғи ва оила ва дўстлар билан муносабатларда муаммоларга олиб келиши мумкин. Стресснинг сурункали касалликлар кечишига таъсирини ўрганиши ўта қийин, чунки бунда стрессдан ташқари қўплаб бошқа йўлдош омиллар мавжуд. Аммо ишонч билан стресс психика носозликлари ривожланишида катта аҳамиятга эга ва қон яратиш ва таянч-ҳаракат тизимига салбий таъсир кўрсатади деб айтиш мумкин.

Олдини олиш:

Меҳнатни тўғри ташкиллаштириш ва стрессни назорат қилиш воситаларини тўғри бирлаштириш ишдаги стресс билан курашишнинг энг самарали усули ҳисобланади. Иш жойида вазиятни яхшилашнинг бир нечта эҳтимолли чораларини келтирамиз:

- Ишчиларга талабларни уларнинг имкониятлари билан мослаштириш.
- Ишчиларнинг шахсий ташаббусини мукофотлаш.

- Бош мия асоси қисмida жойлашган мия қисми фаоллашади, бу хаяжонга ва кўриш, ҳамда эшитиш қобилияти ўткирланишига олиб келади.
- Қонга глюкоза ва мойли кислоталар ажралиб чиқади.
- Овқатни ҳазм қилиш ва иммун тизим иши ёмонлашади.

Сабаблар:

Ишдаги стресснинг сабаби меҳнат шароитларири. Стрессга кўпроқ меҳнат шароитлари ёки ишчининг шахсий хусусиятлари кўпроқ таъсири кўрсатиш масаласи ҳал этилмаган. Ушбу саволга турли жавоблар муаммони ҳал этишининг турли усууларини вужудга келтиради. Агар шахсий хусусиятлар муҳимроқ десак, биринчи ўринга ишчининг мослашиш ва муомала қилиш кўникмалари чиқади. Ушбу кўникмалар ходимга талаб этилган даражада бўлмаган меҳнат шароитларига мослашиш имкониятини яратади. Бундай нуқтаи назар меҳнат шароити ўзгаришларига ҳодим мослашишига ёрдам бериш стратегиялар муҳимлигини таъкидлайди.

Шунга қарамасдан, шахсий фарқларни эътибордан ташқари қолдириш мумкин эмас, меҳнат шароитлари барча ишчилар учун би хил қулаги бўлиши мумкин эмас. Бу ёндашув меҳнат шароитларини яхшилашни стресс олдини олишнинг асосий усули сифатида кўради. Хатар омиллари сифатида аниқланган меҳнат шароитларининг кенг тадқиқотлари Европада 1990, 1995 ва 2000 йилда ўтказилган. Натижалар меҳнат шиддатлиги ошганини намоён қилди. 1990 йилда 48% ишчилар иш вақтининг камидан тўртдан бир қисмida ўта шиддатли ишлаш тўғри келади деб баён қилишган. 1995 йилда бундай шикоят 54%, 2000 йилда 56% ишчилардан тушган. Худди шундай, 1990 йилда ишчиларнинг 50% иш вақтининг тўртдан бир қисми давомида шошилинчи иш билан шуғулланган, 1995 йилда 56%, 2000 йилда 60%. Аммо ишларини бажариш учун ажратилган вақт етарли деб ҳисоблаган ишчилар сони 1995 йилда ҳам, 2000 йилда ҳам бир хил (1990 йилда тадқиқот ўтказилмаган).

АҚШ ахолисининг сезиларли қисми ўта узун иш хафтасига эга. Текширув натижаларига кўра, эркакларнинг 26% ва аёлларнинг 11% 2000 йилда ҳафтада 50 соатдан ортиқ ишлаган. Бу охирги ўттиз йилда иш вақти давом этиши, айниқса аёллар учун узайтирилганини билдиради. АҚШ меҳнат вазирлиги маълумотларига кўра, ишловчи аёллар учун иш вақти, эркаклар учун меҳнат хафтаси узайтирилган (>40 соат) ва кичик болали эр-хотинларда умумий иш вақти ошган.

Ишчининг иш жойидаги жойлашуви ҳам стресс даражасига

ИШДАГИ СТРЕСС. СТРЕССНИ БОШҚАРИШ.

Эрталабдан ишингиз юришмаяпти: ишга келаётганингизда туфлигингизни пошнаси синиб қолди, ишхонада бошлиғингиз кабинетига чақириб ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ уриши, ҳамкасларингиз яна панд беришди, компьютерингиздаги хисоботларингиз ўчиб кетди. Таниш холат, шундай эмасми? Ишда ҳар кунги бесаноқ асаббузарликлар кўп сабабларга кўра пайдо бўлади. Афтидан стресс сизни бошқарувига олмасдан уни бошқариши ўрганиш керак. Шундай қилиб, бугунги мавзу иш жойида асаббузарлик ва уни бошқариши.

Инсон ҳаётининг кўп қисмини ишхонада ўтказади. Шунинг учун ишда тангликни бошланиши бу – жуда жиддий. Асаббузарликни шунчаки менсимаслик мумкин эмас, чунки у Сизни ичингиздан емиради. Асаббузарликни ўзингизда ушлаб туриш ҳам яхши варианти эмас. Йиғилиб-йиғилиб бирор пайти келганда юзага ирғиб чиқиб, йўлида учраган барча нарсани супуриб ташлайди. Шу қатори сизнинг мансаб чўққингизни ҳам. Иш жойида шунчаки асаббузарликни бошқариш техникасини ўзлаштириб олиш лозим. Бу эса сизнинг соғлиғингизга, руҳиятингизга, кайфиятингизга ва ҳаёт тарзингизга ижобий таъсирини кўрсатади.

ИШДАГИ СТРЕССНИНГ САБАБЛАРИ

Биз хоҳлаганимиздек инсон танаси чегарасиз имкониятларга эга эмас. Ишни муддатида тугатишга уриниб, кўпинча ўзимизни чарчатиб қўямиз. Барча бу шошма-шошарликлар, раҳбариятнинг ўйланмаган фармойишлари ва амалда бажариб бўлмайдиган топшириклар, ҳамкаслар ҳасади, майда-чўйда қарама-қаршиликлар буларнинг барчаси ишда асаб бузилишига олиб келади.

Аниқ вазиятга боғлиқ холда ишда асаббузарликни намойиш бўлишидаги факторлар турлича бўлади. Булар тез-тез тунги ишларга жалб этиш, тўланмайдиган ортиқча ишлар, интифоқликнинг йўқлиги, бошқа ҳамкаслари билан ўзаро тушунмовчилик ва бошқалар. Ҳамкаслар билан ҳамкорликда лойиҳа ташкиллаштиришда, уларнинг ишга турлича ёндошишлари, ҳар хил кўз қарашларда ҳам албатта асаббузарлик бўлади. Тартибсизлик ҳам стрессни чақиравчи фактор бўлади. Келишилмаган топшириқни бажариб кунингизни бекорга ўтказганингиз, бошқани ишини бажаришингиз ёки раҳбариятнинг хатосини тузатишингиз меҳнат унумдорлигини

нолгача пасайтиради, хаёлингиз ишда эмас бошқа узоқларда бўлади ва охир оқибатда жуда нокулай вазиятга тушасиз.

Технологиянинг ривожланиши, ишдаги ўзгаришлар ҳам стресс сабабларига қўшимча бўлади. Раҳбариятнинг янги техникада, янги тизимнинг янгиланган дастурида ишлашга зўрлашига қарамай, сиз уни тезда ўзлаштира олмайсиз. Ишдаги стресснинг бундай муаммоси факат ходимни маҳсус курсларда ўқитиш ва ходимлар билан малака ошириш тренингларини ўтказиш йўли билан ҳал этилиши мумкин.

Тахминларга кўра, стресс хаётга ҳиссиётли инсонларни издан чиқаради. Ҳар доим ҳам бундай эмас. Албатта даромаднинг камлиги, энг паст даражадаликни англаш, иш жараёнидаги маҳфийлик ва бир хиллик ҳар кимни синдириши мумкин бўлган нарсалар. Бундай ҳолларда ҳаттоқи руҳан тетик, ҳиссиётга берилмайдиган инсон ҳам ўзини стресс ҳолатида сезади.

Стрессни иссиқ, совук, шовқин, ёруғликнинг йўқлиги, иш жойида тоза ҳавонинг йўқлиги умуман меҳнат шароитининг ёмонлиги чақиради.

Агар иш жойингиз бир жойда бўлмай кун бўйи у жойдан бу жойга югуришингиз ёки 8-12 соатни оёқда ўтказсангиз – сизга стресс ва тушкинлик ҳолати таъминланган бўлади.

ИШ ЖОЙИДА СТРЕССНИ БОШҚАРИШ

Ташкилот – ҳамасидан устун. Йўл-йўлакай ишга келаётib, вазифаларингиз жадвалини ўйлаб олинг. Кун давомида қандай ишларни ва уларга қанча вақт сарфланишини билиб олишингиз муҳим ўрин тутади. Бунда ён дафтарча айни муддао бўлади. Ҳеч нарсани унутмаган ҳолда ўзингизни муҳим ишларга ва учрашувларга тайёрланг.

Иш жойингизни тартибга келтиринг. Буни доимо бажаришни одат қилинг. Тартибсизлик, коғозлар ва хужжатлар папакаларининг уюми сизнинг асабийлашишингизга олиб келади.

Тушлик пайтида албатта тоза ҳавога чиқинг. Бу сизнинг иш билан боғлиқ ёмон фикрларингизни ва қарашларингизни тарқатади. Тинч, хотиржам ҳолда мазали овқат тановул қилиш ҳам стрессни олдини олади.

Стрессга қарши ўйинчоклардан фойдаланинг. Ҳозирда бундай ўйинчокларнинг кўпи ихтиро қилинган: юмшоқ ва металл шариклар, резина жгутлар. Сиз қўлингиз билан уларни эзишингиз, отишингиз, тортишингиз мумкин. Бу эса сизнинг хаёлингизни иш билан боғлиқ стресслардан чалғитади.

булар каторида, масалан, юрак етишмовчилиги, ёки ўта оғир таъсирланишида стресс ўлимга ҳам олиб келиши мумкин.

Ишдаги стресс – замонавий иш жойининг долзарб муаммосидир. Унга ишчиларнинг учдан бир қисми учрайди. Ишчиларнинг тўртдан бир қисми ишлари ҳаётларида стрессга олиб келувчи омил деб ҳисоблашади. Тўртдан уч қисми илгари (яъни бир авлод аввал) иш бунчалик тинкани қуритмаган бўлган деб ҳисоблади. Кўпчилик айни стресс ишчи кучининг кўнимсизлигининг асосий сабаби сифатида келтиради.

Софлик ва соғлиқни сақлаш

Ишдаги муаммолар аксарият вазиятлардан молиявий ёки ижтимоий нуктаи назардан эмас, балки тиббий тарафдан кўрилади. Кўплаб тадқиқотлар билан қуйидаги боғлиқлик тасдиқланган, ишчида қанчалик меҳнат жараёнига таъсир кўрсатиши имконияти кам бўлса, шунчалик юрак етишмовчилик ривожланиши хатари ошиб боради. Касбий хавфсизлик Миллий Институти ва бошқа ташкилотларнинг тадқиқотлари билан ишдаги стресс таянч-ҳаракат тизими касалликлари ривожланиши хатари ошишини тасдиқланган. Соғлиқни сақлаш муассасаларига мурожаатлар сони ошиб боради. 1998 йилда 46 000 нафар ишчи ўрганилганда, руҳий жиҳатдан нокулай иш шароитларига шикоят қилганлари ўз ишини тинч деб ҳисоблаганларга нисбатан тиббий мақсадларга 50% га кўпроқ маблағ харажат қилгани аниқланган. Бундан ташқари руҳий тушкунликка (депрессия) шикоят қилганлар харажатлари 150% га етган, яъни бир кишига \$1,700 дан ортиқ маблағ сарфланган. Бундай вазиятда мажбурий меҳнат қобилиятсизлиги даври ҳам, оддий ишлаб чиқариш жароҳатлари ва касалликлардаги даволаниш давридан анча узоқ бўлади.

Ишдаги стрессга психологияк таъсирланиш соғлиқ учун узоқ муддатли салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. бундай стресс юрак қон-томир тизимига қандай таъсир кўрсатиши ўрганилган, хусусан, унинг артериал гипертензия ва юрак қон-томирларида қон айланиши бузилиши билан боғлиқлиги текширилган. Бу касалликлар, ҳамда ишдаги стресс билан кўзгатилган касалликлар АҚШ да кенг тарқалган.

Организмнинг стрессга 4 турдаги асосий таъсирланиш кўринишлари мавжуд:

1. Қон бош мия ва мушакларнинг катта гурухларига қуйилади, бунда тери, қўл, оёқлар ва айрим аъзолар етарли миқдорда кислород ва озиқа моддаларини олмайди.

моддани топишди. У қон босимини күтәради, юрак уришини тезлаштиради, ва кофеин каби табиий құзғатувчи ҳисобланади.

Шунингдек, “хурсандчилік гормонли” маңсулотлар бор. Улардан әнг тарқалғани: гречка, сули ёрмаси, банан.

ЖАХЛ ҲАҚИДА ИККИ СҮЗ

Жаҳл нафакат стрессга олиб келади, соғлиқни бузади, у ҳаракат қилиш учун ўта қаттық тепки бўлиши мумкин.

Мавзуга ривоят:

Қишлоғи, кирқ даражада совук. Йўлда арава кетяпти. Аравада аравакаш – қари хитой ва болали аёл. Аёл шу қадар совук едики, унинг лаблари кўкариб кетган. У болани буркаб, иситишига ҳаракат қиласи. Бирдан хитой аравани тўхтатиб, аёлни йўлга итариб тушириди. Ўзи эса бола билан йўлини давом этди. Болани олиб кетишигани сабабли аёлнинг жаҳли келди. У арава кетидан чопиб, бақира бошлади. У арава кетидан югургунча, музлаган танасида қон тез айлана бошлади. Юзига ранг кирди, кўл ва оёқлари исиди. У аравага етиб олганидан сўнг, хитой аравани тўхтатди ва унга: “Ўтиринг! Энди Сиз яшайсиз!” деди.

Жаҳл хавфли, у кўплаб касалликлар сабаби. Бошқа тарафдан жаҳл – бу қувват шакли, уни тўғри йўналтириса, у ишларда муваффақиятга қўмаклашади. Бу ўз кўринишида маҳсус тепки, у бизга янги иш ва яхшироқ ҳаётни топишга ёрдам беради. Муаммони ечишига уринишларингизни жамланг ва жаҳл Сизнинг тарафдорингизга айланади!!!

Ўзингиз ҳақингизда ўйланг, ўзингизни яхши кўринг ва шунда ҳеч қандай стресс Сизни енга олмайди!

Ишдаги стресс — меҳнат жараённада вужудга келадиган касалманд руҳий ҳолат. Ушбу тушунча кўплаб носозликларни қамраб олади, шу жумладан руҳий касалликлар (масалан, клиника аҳамиятга эга руҳий тушкунлик (депрессия, хавотирлик, шикастланишдан сўнгги стресс носозликлар) ва ҳис-туйғуга оид бошқа турдаги носозликлар (қониқмаслик, тез ҷарчаш, стресс ва ҳоказо), ноадекват хулқ (ғазабланиш, тажовуз, гиёхвандлик), хотира ёки эътибор бузилиши. Бу носозликлар ходим ўз мажбуриятларини қониқарсиз бажаришига ва унинг соғлиғига зарар етказилишига олиб келиши мумкин. Иш стресси шу билан бирга соғлиқ аҳволи ёмонланишига олиб келувчи турли биологик таъсирланишлар билан ҳам боғланади,

Ҳаётингиз мақсади фақат ишлаш бўлиб колишига йўл қўйманг. Албатта ҳамма яшаш шароитини моддий таъминотини яхшилаш йўлларини излайди. Аммо бунда фақат мақсад ишлаш бўлмаслиги керак. Сизни ҷалғитадиган, хурсанд қиласидан яна бошқа қизиқишлигиниз ҳам бўлиши керак. Дўстлар билан мулоқот, спорт билан шугулланиш, кино, театрга бориш ва бошқа қизиқишлилар.

Ишда қийинчиликлар пайдо бўлганда ҳамкасларингиздан ёки бошлиқдан ёрдам сўраб мурожаат қилишдан уялманг. Акс ҳолда муаммони бир марта тезда ҳал этиш ўрнига бутун кунингизни йўқотасиз.

Тўйиб ухламаслик ҳам иш жойида асаббузарликни чиқариши мумкин. Шунинг учун агар иш кунингиз эрталаб соат 7-00 да бошланса, кечқурун соат 11-00 дан кечикмай ухлашга ётинг. Бу сизни янги иш кунига куч-ғайратли бўлиб боришингизга имкон беради.

“Йўқ” дейишни ўрганинг! Ўзингизнинг кучли томонларингизни ва дам олиш имкониятларингизни баҳоланг. Ишнингизни оғирлашибтирадиган вазифалар билан бошингизни қотирманг. Бирон ишни бажаришда ақлий ва физик толиқиши сезсангиз, бу ишни бажара олмаслигинизни айтишдан уялманг. Акс ҳолда стресс вазиятига тушиш қоласиз.

Ишни қизиқишингиз билан бирга олиб бориш стресс вазиятини юз фоизга камайтиради. Сизнинг ўзингизга ёқкан ишни топишингиз асаббузарликни ўйламасликка ва уни эсдан чиқаришига олиб келади. Айрим ҳолларда инсон ўзи “севган” касбни топишида кўп йиллар керак бўлади. Бу албатта арзигулик натижага беради.

Бироқ айрим ходимлар учун стресс холатлари рағбатлантириш воситаси бўлиб, уларни фаоллаштиради, меҳнат унумдорлигини оширади. Бу “яхши стресс” ҳисобланади. У тетиклаш оқимини бераб, нима қилиб бўлса ҳам кўйилган масалани ҳал қилиш истагини беради.


Босим остида ишлашга, қисқа мудатлар, раҳбариятнинг талабига айрим қайсар ходимлар тайёр бўлмайдилар.

Шунинг учун иш жойидаги стресс вазиятларига сабаб бўлувчи айрим тўсикларни бошқариш лозимдир. Стресснинг кичик миқдори инсоннинг куч-ғайратини керакли мақсадли йўналишига сарфлашига сабаб бўлсада стресс вазиятларига йўл қўймаган маъқул. Ёки вақтида уни олдини олиш керак.

ИШ ЖОЙИДАГИ СТРЕСС, УНИНГ САБАЛARI ВА ОҚИБАТЛАРИ

Стресс – хаётда пайдо бўладиган қийинчилликларга қарши организмнинг курашувчанглигидир.

Қуйидаги расмда қаттиқ асабийликни фаолиятга таъсири икки худудда кўрсатилган.



Конструктив стресс худудида асабийликни ошиши фаолиятни такомиллаштиради, деструктив худудда эса тескари натижага беради.

Хулоса: асабийликнинг оптимал даражаси, фаолиятнинг юқори даражасини таъминлайди.

Асабийлик бир неча сабаблар натижасидир. Масалан, ишдаги руҳий зўриқиши, ноқулай меҳнат шароити, ўз вақтини тўғри ташкил этишини ва бошқаришни уddaрай олмаслик унга сабаб бўлади. Стрессни олдини олиш учун унинг сабабини аниқлаш керак. Схемада ишдаги стресснинг асосий сабаблари кўрсатилган.

нисбатан муносабати учун вижданни қийнабди. У дарҳол қамоққа бориб дўсти билан сухбат қилибди.

– Сен ҳақ чиқдинг, - деди у, - мен бармоқсиз қолганим яхши экан. Ва у билан бўлган воқеаларни айтиб берибди.

– Мен сени қамаб қўйганим учун кечир, мен ёмон иш қилдим. – Йўқ, - деди дўсти, - бу яхши!

– Сен нима деяпсан? Ахир мен ўз дўстимни бир йилга қамаб қўйганим яхшими?

– Агар сен мени қамамаганингда, мен у ерда сен билан бирга бўйлар эдим.

ФИКР – ДЎСТМИ? ЁКИ ФИКРЛАР – ДУШМАНМИ?

Ҳаёт давомида одам бошида кўплаб “охиригача ўйлаб бўлмаган” фикрлар тўпланиб қолади, улар бошда айланниб, асаб тизими ва бош мияни ортиқча юклаб ташлашади. Одам бошида айланма бўйича чопаётган керак бўлмаган фикрлар йигилади. Асаб тизими ортиқча кучланиши натижасида психиканинг мослашиш қобилияти пасаяди ва бу стрессга олиб келади.

Сиз ҳам мияга ўрнашиб қолган фикрга дуч келгансиз. Агар эътибор берган бўлсангиз, бундай фикр Сиздан кучлироқ. У ҳеч каерга йўқ бўлмайди, доимо бошда айланниб юради. Бунда бўшашиб, унга эътибор бермасликка харакат қилинг. Худди у бор ёки йўклиги Сиз учун бефарқ. У Сизни қийнашдан чарчаб, йўқ бўлиб кетади.

«СТРЕССГА ҚАРШИ» МАҲСУЛОТЛАР

Фан нима учун болалар ҳам, катталар ҳам музқаймоқни нима учун яхши кўришларини аниқлади: у стрессни самарали бартарафа қиласди. Сут ва қаймоқ таркибида асаб тизимини тинчлантирувчи, кайфиятни кўтарувчи уйқусизликни бартараф қилуви табиий транквилизатор триптофан мавжуд.

Шоколад ҳақида гапирсак. Узоқ вақт давомида у бош мияга гўё наркотикдай таъсир қиласди деб ҳисоблашган. Калифорниялик фармаколог Пианелли ва унинг ҳамкаслари какао дуккакларида нашанинг айрим компонентларига ўхшаш моддаларни топишган. Аммо ўтган йил охирида американлик олимлар гурухлари шоколад ва какаони “оклашган”. Улар таркибида заарли моддалар миқдори ўта кам экан. Бундан ташқари уларнинг аксарияти бош мияга етмасдан, ошқозонда ҳазм бўлиб кетади.

Аммо бошқа олимлар шоколадда адреналин гормонига ўхшаш

тажрибасиз ҳайдовчи сабабли асабийланишимиз ва сўкинишимиз мумкин, аммо артериал қон босими ошиши ва қонда адреналин миқдори кўпайишидан бошқа ҳеч нарсага эришмаймиз. Бу вактда мушакларни бўшаштириш техникасини қўллаш, турли медитация, нафас машқларини ёки ижобий визуаллаш техникасини қўллаш самаралироқ бўлади.

Иккинчи тоифа – уларга биз таъсир ўтказа оладиган ва ўтказишимиз керак бўлган стрессорлар. Бу бизнинг ноконструктив ҳаракатларимиз, олдимизга ҳаётий мақсадлар қўйишни ва афзаликларни аниқлашни билмаслигимиз, ўз вақтимизни бошқара олмаслик, ҳамда шахслараро ўзаро муносабатларда турли қийинчиликлар.

Учинчи тоифа – ўзимиз муаммога айлантирган вокеа ва ҳодисалар. Бу ерга келажак ҳақида ҳаяжоннинг барча турларини, ҳамда ўтиб кетган ва ўзгартириб бўлмайдиган ҳодисаларни ўйлаб, ҳаяжонланишни киритиш мумкин.

Мен сизга А.П.Чеховнинг “Амалдор вафоти” деб номланган ҳикояни ўқишини тавсия этаман. Ҳикоя қаҳрамони театрда аксириб, генералнинг кал бошига тушган сўлаги сабабли ҳаяжонланганидан вафот этади.

Ўта ижобий ривоят:

Битта африкалик қиролнинг яқин дўсти бўлган экан, улар бирга ўсиб, катта бўлган. Ушбу дўсти ҳаётда у билан бўлган ҳар қандай вазиятни, у ёмон бўладими, яхши бўладими, “Бу яхши!” деган сўзлар билан баҳолаган экан. Бир куни қирол овга борибди. Дўсти одатда қирол учун милтиқни ўқлаб. Тайёрлаб берар эди. Бу сафар милтикларни тайёрлагандага бир нарсани нотўғри қилган бўлса керак, қирол милтиқни олиб, ўқ отганда, у қиролнинг катта бармоғини узиб юборибди. Вазиятни баҳолаб, дўсти “Бу яхши!” деган экан. Қирол эса, “Бу яхши эмас!” деб, дўстини камоққа ўтқизишни буюрган экан. Бир йилча вақт ўтибди. Қирол умуман хавфсиз хисоблаган худудга овга борибди, аммо у ерда уни одамхўрлар хибсга олиб, бошқа асиirlар билан уни ўз қишлоғига олиб келишибди.

Улар унинг қўлларини боғлашибди, бир уюм ўтин олиб келиб, устун ўрнатиб, унга қиролни боғлаб қўйишибди. Олов ёқиши учун яқинроқ келгандага, қиролнинг бир қўлида катта бармоғи йўқлигини кўришибди. Ўз иримларига кўра улар жароҳати бор одамларни емаган экан, шунинг учун улар қиролни кўйиб юборишибди. Уйга келгач, қирол бармоғидан маҳрум бўлган вазиятни эслабди ва дўстига



Ишдаги асаббузарликнинг асосий факторлари

СТРЕССНИНГ ҚУЙИДАГИ ГУРУХЛАРИ МАВЖУД **ШАХСИЙ САБАЛЛАР**

Асабийликка турли қарашлар, фикрлаш доираси ва инсоннинг ўзини тутиши сабаб бўлади. Асабийлик ўз имкониятлари даражасини инобатга олмасдан ўзига талабни юқори қўйишлиги сабаб бўлиши мумкин.

Рахбарга ходимнинг йўқ дея олмаслиги айрим холларда унга панд беради.

АСАББУЗАРЛИККА МОЛИЯВИЙ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ВА ЎЗ ВАҚТИНИ БОШҚАРА ОЛМАСЛИК ХАМ САБАБ БЎЛИШИ МУМКИН

Шахслараро ва гурухий асабийликка инсонга ёки гурухга юқори талаб қўйиши, ўзаро хурматсизлик, қарор қабул қилишда иштирок этмаслик ва бошқалар сабаб бўлади. Асаббузарлик манбаи ўзаро келишмовчиликлардир.

ТАШКИЛИЙ САБАЛЛАР

Бунга: ноананавий бошқарув усуслари, хамкорлик даражасининг пастлиги, мақсаднинг ноаниқлиги, ходимнинг талабга жавоб бермаслиги, ахборот этишмаслиги, жамоанинг ноаҳиллиги. Ходимнинг ўз фаолиятига раҳбарнинг муносабати ёки баҳосини билмаслиги хам асаббузарликка сабаб бўлади.

“Ижтимоий” деб номланувчи асаббузарлик ўз ичига иш мухитидаги нокулай физик факторларни (шовқин, ёритилиш, иқлим ва ҳ.к.) олади. Шахарда яшовчилар учун транспортда чарчаш, уй-жой

муаммолари, жинояччиликнинг юқори даражадалиги асаббузарлиқда катта аҳамиятга эга.

Маданият билан боғлиқ асаббузарликлар грухига куйидагилар киради:

- ирқчилик, диний, жинсий хурофот ва иснод келтириш ва х.к.

МИЛЛИЙ САБАБЛАР

Дунёдаги иқтисодий танглик (кризис), ишсизлик, солик стрессининг факторлари ҳисобланади. Бу грухга миллий халокатлар, уруш ва уруш хавфи ва бошқалар киради.

СТРЕССНИНГ БОШҚА ЁҚИМСИЗ НАТИЖАСИ – МАЊНАВИЙ ЖАРОҲАТЛАНИШ

Бунинг манбай – ишловловчиларга тўғридан-тўғри хавф (табиий камбағаллик, ташкилотнинг таназзулга учраши, менеджер томонидан хақорат ёки ишни йўқотиш). Мањнавий жароҳатланишнинг кенг тарқалган турлари – иш жойида, қисқартириш тўлқинини кечириб касалланиш, иш жойида зулм натижасида мањнавий жароҳатдан кейинги дилисиёхлик.

ИШ ЖОЙИДАГИ СТРЕСС ЁКИ “ХОТИРЖАМЛИК”КА ҚАДАМ

Замонавий хаётнинг жадал суръати, яшаш учун имкониятлар яратиш ва тиним билмай югуриб елиш, сурункали чарчоқ ва ўз вақтида овқатланмаслик, доимий асабнинг зўриқиши ишда ҳам, уйда ҳам стресс ҳолатига олиб келади. Стресс ҳолатлари шунчаки пайдо бўлмайди, балки бизларнинг яшаш жараённимиздаги тартибсизликлардан келиб чиқади. Сайёрамизда 80 % ишловчи инсонлар касбий стрессларни бошларидан ўтказадилар, аммо кимгадир бўйсинувчи одамнинг стрессни бошқариши шунчаки уни фазилати эмас балки, соғлиги туфайли салбий ҳолатларни енгишидир.

Стресс ҳолатларида биз қандай йўл тутишимиз керак ёки стрессдан кейинги руҳий ҳолатимизга фойдали бўлиши учун нималар қўлмогемиз зарур?

Стрессдан қандай қутимиши мумкин?

АНИҚ МАҚСАД ҚЎЙИНГ!

Сиз теран фикрлаб, оқилона харакат қилганингиздагина иш фаолиятингизда стресс ҳолатини бошқаришингиз мумкин. Одатда

Бошимизда бўлаётган барча жараёнлар, бизнинг фикрларимиз, тасаввуримиз ҳолатимизга таъсир кўрсатади, бу онгдан ташқари, автоматик режимда амалга оширилади.

“Ижобий визуаллаш” деб номланган техника мавжуд, у салбий туйғулардан қутулишга ёрдам беради. Бирор бир ёқимли воқеани, масалан севимли одам қилган совгани эслаганимизда, бундай хотиралар таъсирида организм энг яхши туйғуларни эслайди ва бундан ўзини яхши сеза бошлади (баъзан одамлар кетаётуб, ўзидан-ўзи табассум қиласди, бу айни шу вазият).

Аммо аксарият вазиятларда биз салбий ҳодисаларни эслаймиз. Масалан, раҳбар билан ёқимсиз сухбат, ундан 2 соат ўтиб кетди, биз эса, ҳамон ушбу вазият таъсири остида, ва натижада организм ҳам салбий хиссиёт остида бўлади.

Эслаганда кўз олдимизга келган тимсолларни кучайтириш ва стресс билан курашиш учун ишлатиш мумкин.

Кулай ахволга ўтиринг. Кўзларингизни юминг, чукур нафас олинг ва чиқаринг. Сиз ўзгартиришни истаган салбий вазиятни тасаввур қилинг. Уни яна бир бошдан кечиринг, ўшанда сезган барча нарсаларни эсланг.

Энди вазиятни ўзгартиринг. Унга бошқа ранг беринг. Ўзингизга керак йўналишга алмаштиринг. Уни ижобий қилинг. Ижобий натижага эришинг.

Яна бир бор чукур нафас олинг. Кўзларни очинг ва табассум қилинг.

СТРЕССНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА КИМ ЁРДАМ БЕРАДИ?

Ўз стрессларни мустақил ва ўз вақтида бартараф қилиш ўта мухим.

Бу ерда бир нарсани ёдда тутиш лозим, стрессор — стресс бошланишига баҳона холос, биз ўзимиз уни асаб-рухий кечинма сабабига айлантирамиз. Масалан, мен учун чой ёки кофе билан ағанаган пиёла - арзимаган воқеа, мен тўкилган ичимликни тез артиб ташлайман, эрим учун эса, бу ажрашиш учун сабаб.

Бошқа сўзлар билан айтганда стрессор битта, аммо унга таъсиrlаниш ҳар хил.

Стрессорларни учта тоифага бўлиши мумкин.

Биринчиси – биз деярли енгиги олмайдиган стрессорлар. Бу нархлар, соликлар, хукумат, об-ҳаво, бошқа одамлар одатлари ва феъли. Албатта, биз электр токи учганлиги ёки йўлни тўсиб қўйган

тарқалған. Компьютер олдида ўтириб ишлайдиган одамлар сони күпайиши билан, беморлар сони кескин ўсіб борди. Бошимизни қай холатда ушлашимиз билан бутун организм иши боғлиқ. Бүйіча иккита асосий асаб марказини бирлаштиради: бош мия ва орқа мия. Замонавий тиббиётта бундай формула мавжуд: “Бош мия хужайралари тирик бўлгунча одам тирик хисобланади”. Бу мазмунда бошни тепа ушлашни тавсия қилган халқ заковати янги амалий маънога эга бўлади.

Гавдани тутиши. Навда ҳолатига эътибор беришни ўзингизга одам қилиб олинг. Гавдани тўғри тутиш – бу барча ички аъзоларнинг ўзаро тўғри жойлашиши, умуртқа погонасининг тўғри иши. Оддий ва ўта самарали машғулот мавжуд:

Туринг! Бошингиз учига илгак боғланганини тасаввур қилинг. Бу илгакка арқон боғланган ва кимдир ушбу арқонни тепага тортмоқда. Ва орқангиз тўғриланмоқда. Буни ҳар сафар буқчайганда қайтаринг. Бу жуда самарали машқ, мен уни ҳар куни бажараман.

Оптимист ҳар қандай қийинчиликда имкониятларни қўради, пессимист ҳар қандай имкониятда қийинчиликни топади!

Стресс вазияти биринчи навбатда унга муносабатимизга боғлиқ. Шундай қилиб, кайфиятим қанчалик ижобий бўлса, шунчалик мен стрессга кам дучорман, салбий хиссиёт эса – стресс гаровидир.

Биз ҳар куни салбий туйғуларга дуч келамиз. Масалан, кун жонга теккан будильник товушидан бошланади, сўнг оммавий транспортда йўл (менинг учун бу доимо фожиа), синган пошна, ёмон об-ҳаво ва ҳоказо. Ва кўплаб одамлар ғазабланган аҳволни, яъни стресс ҳолатини ҳаёт қонуни сифатида қабул қилишади.

Стресс аломатларини кўпчилик ўзида топиши мумкин: эътибор пасайиши, тажовузкорлик, бесабаб ҳаяжон, уйқусизлик, тушкунлик.

Инсон мияси ҳақиқий ҳавфни туюлган ҳавфдан ажратмайди, шунинг учун ҳар сафар вазият ҳавфли туюлганда, у ҳақиқий ҳавфга таъсирангандай таъсиранади. Атрофдаги вазиятлар қанча кўп душманларча кўринса, шунча кўп вақт давомида организм жанговар тайёргарлиқда бўлади. Сурункали стресс – тўлиқ ҳавф вазиятида доимо бўлиш натижасидир, бизнинг тадбиркорлик дунёмиз эса, айни шундай шароитда доимо бўлади.

Организмимиз мустаҳкам ва чидамли, у тикланишга катта имконият ва қобилиятларга эга, аммо бунинг учун онг аниқ ва тўғри ишлаши керак.

амалга оширишнинг иложи бўлмайдиган топшириклар ходимга берилганда стресс ҳолати пайдо бўлади. Ҳар қандай амалга ошириш кийин бўлган ишлар албатта омадсиз якун топади. Сиз қаерда ишламанг, қанча маблағ сарфламанг, “Олтин тоғ”га эришишни кутманг, эртанги куниёқ қаттиқ хафалик ҳолатига тушасиз. Аммо, хеч қачон ишни тўғри режалаштиришдан воз кечманг, чунки омад ўзини кутишга мажбур қилмайди. Агар сиз бошқа инсонларнинг ҳатти-харакатларига ёки бажарган ишларига жавоб беришга мажбур бўлиб қолсангиз, мажбуриятларни оқилона тақсимланг, шунда нафакат сиз кераксиз ҳаяжон ва стресслардан фориғ бўласиз, балки хамкасбингиз ҳам ўз вазифасини яхши бажаришига ёрдам берасиз. Унутманг, агар ижрочи ходимга нисбатан зуғум ўтказса, кўпинча иш натижалари ҳавф остида бўлади.

ИШЛАРНИ ЎЗ ВАҚТИДА БАЖАРИНГ

Масъулиятсиз инсонлар ҳам стресс ҳолатларини бошидан кечирадилар. Эслаб қолинг, ишбилармон ҳамкор билан учрашув вакти “учрашувнинг бошланиши вакти” билан белгиланади, уйдан чиқиши вакти билан эмас. Иш вақтини шундай режалаштирингки, кеч қолмаслик лозим. Ҳар доим неча минут керак бўлса шунча вақт соат стрелкасини олдинга суриб қўйиш зарур. Майли соатингиз 15-30 минут олдинда юрса ҳам, сиз стресс ҳолатидан ва кечикиш ҳавотиридан узоқлашасиз.

УМИДСИЗЛИК ФИКРИДАН ҚУТУЛАМИЗ

Психологларнинг фикрича, стресс ҳолати шиддатли ўсмокда, чунки ҳар бир қадамда бўлайтган воқеаларда камчиликларни кўрасиз. Ҳамма нарсага ижобий қарашга ҳаракат қилинг: дўстларга, ишга, ходимларга, хаттоқи “ёқимсиз” раҳбарга. Нима бўлгандаим у ҳам инсон.

КЕРАКСИЗ ФИКРЛАРДАН ФОРИФ БЎЛИШИМИЗ КЕРАК

Агар стресс ҳолатлари шиддатли ортаётганини сезсангиз, уни ҳал қила олмасангиз, бу ҳолат ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлса, яхшиси ўзингизни чалғитинг. Озгина танаффус қилинг, мисол учун, коридорда юринг, дам олиш хонасига чиқинг. Тинч жой ва яхши жисмоний фаоллик зўриқишини пасайтиради ва ҳолатни хотиржамлик билан мушоҳада қилишга ёрдам беради.

ХОДИМЛАРДАН БИРИ БИЛАН МУАММОНИ МУҲОКАМА ҚИЛИНГ

Гаплашишдан, маслаҳатлашишдан, баҳслашишдан уялманг, айнан шу пайтда самимийлик юзага келади.

Ишхонангизда ўзингизни хис туйгуларингиз билан ўртоқлашадиган яқин дўстингиз бўлиши керак. Агар бундай ишончли одам бўлмаса, бошқа дўстингиз, танишингиз, яқин кишингизга кўнғироқ қилинг, у сизни тингланишингизга, стрессни йўқотишингизга ёрдам беради.

СТРЕСС ҲОЛАТИГА ҲАЗИЛ-МУТОЙИБА БИЛАН ҚАРАНГ

Агар муаммога хазил мутойиба билан каралса, касбий стрессни йўқотса бўлади. Агар инсон ҳар бўлаётган ҳолатга жиддий қараса психологияк травмага яқинлашади. Ўзингизни ва атрофингиздаги-ларни кайфиятингизни кўтаринг, кувноқ ҳаётий воқеалар ёки анекдот билан вазиятни яхши томонга ўзгаришини кўришингиз мумкин.

ТАЪТИЛ ОЛИНГ!

Албатта, ҳозир имкони бўлса доимий асабийлашиш, ўз вақтида овқатланмаслик ва кечалари уйқусизлик ҳолатлари етарлича. “Тайм-аут” руҳий ҳолатни ижобий ўзгаришига ва етарлича дам олишга ёрдам беради. Балки айнан шу сизга етишмайтгандир.

ИШДАН БЎШАШГА АРИЗА ЁЗИНГ

Аммо раҳбарга олиб кирманг. Ўз кўлингиз билан ёзган ҳужжатингиз 2-3 кун сизда турсин. Ишдан бўшаш ҳакида ариза ёзиш енгил тортиш ва ҳаёт факат ишлаш ҳамда ишдаги муаммолардан иборат эмаслигини тушуниш учун зўр сабабдир. Лекин, сизни уйда оиласигиз, фарзандларингиз ва бошқа оила аъзоларингиз кутмокда. тўғрироғи 2 суткадан сўнг сиз аризани йиришиб, бу мақсадни амалга ошмаслиги учун ҳамма нарсага тайёр бўласиз.

Агар бир неча кундан кейин ҳам аризани раҳбарга олиб кириш ниятидан қайтмасангиз демак, ҳаётингизни яхши томонган ўзгартириш ва юқори маош тўлайдиган иш топиш вақти келган.

ҳақиқий ҳаёт эканлигини тушундим. Борликни бу тарзда кўриш, “баҳтли бўлиш”нинг усули йўқлигини тушунишга ёрдам беради. Баҳтнинг ўзи – мана усул! Демак, ҳаётингизнинг ҳар бир онидан лаззатланинг, икки карра мазасини тушунинг, чунки сиз у билан сизга азиз, ҳаётнинг бу бебаҳо дақиқаларини биргаликда кечиришни истаган инсон билан бўлишингиз мумкин, ва бир нарсани унутманг, вақт ҳеч кимни кутмайди!»

Демак, мактабни битиришни кутманг, 5 кг озишни ёки 5 кг семиришни, болалар туғилишини, катта бўлишини ва уйни тарк этишини кутманг. Ишга киришни, пенсияга чиқишини, уйлан-ишингизни, ажрашишни кутиш керак эмас. Жума оқшомини, якшанба тонгини, янги машина, янги хонадон харидини кутманг. Баҳор, ёз, куз, кишни кутманг. Баҳт онлари – бебаҳо, бу саёҳатнинг охирги бекати эмас, бу саёҳатнинг ўзи. Ишланг, нафақат пул учун, севинг – хайрлашишни кутманг. Рақс тушинг – атрофларнинг назарларига эътибор берманг.

СТРЕССНИНГ ОРГАНИЗМГА ТАЪСИРИ

Стрессни бартараф қилиш нияти табиий, чунки стресс – бу организмни зўрлаш. Буни тушуниш учун ўзингиз устингиздан ишлашни бошлиш етарли. Бунинг учун битта қизик фактни тушуниш керак.

Стресс уч даражада намоён бўлади – ақл, фикр, туйгулар.

Аввал маълумот интеллектуал ишловдан ўтади (онг ва ост онг), сўнг туйгу пайдо бўлади (кучли ёки заиф), ва охирида бу жараёнлар жисмоний даражада мустаҳкамланади.

Мушаклар кучланишини бартараф қилиш болалиқдан барчага маълум: бармоқлар чарчаганда, бироз силтаб, дам оламиз.

Ўз танангиз ахволига эътибор беринг. Албатта айрим мушаклар ҳеч қандай заруриятсиз таранг турганини сезасиз. Бу сиқилган жағлар ёки таранг қорин, орқа мушаклари бўлиши мумкин.

Таникли немис психолог Курт Райх бу ахволни “мушак совути” деб номлаган. У дам олишни билмаган, яъни стрессни бартараф қила олмайдиган одамларда пайдо бўлади. мушак тарангланиши одамнинг маълум психологик муаммоларини акс эттиради. Мушак тарангланиши – салбий ҳиссиёт ва амалга оширилмаган истаклар натижасида пайдо бўлган қолдик аломатлардир.

Бўйин. Бўйин ва бош соҳасида оғриқлар билан қузатиладиган остеохондроз, аксарият ҳолатларда мушак сиқилиши ҳисобига кенг

Илмий тил билан айтганда, стресс – бу одамни күркитган, ғазаблантирган ёки унга таҳдид қилган бирор нарсага танасининг жисмоний, рухий, ҳиссий ва кимёвий таъсиrlаниши.

Менинг фикримча кўпчиликка ушбу сўзнинг аниқ маъносини билиш шарт эмас, чунки бу ерда усиз ҳам ҳаммаси тушунарли.

Кўп одамлар стресс, аникроғи, салбий ҳиссиётни бартараф килишга каратилган ҳаракатларни амалга оширилмаслиги организмимиз ва руҳимизга қандай зарар келтиришини тушунади ва билади. Шахсан мен ўзингизни ёхтиёт қилинг, асаб ҳужайралари тикланмайди, стресс салбий таъсиr кўрсатади деб, маслаҳат бераман. Менинч, кўпчилик мени тушунади, чунки улар ҳам худди шундай маслаҳат беришади. Шунга қарамасдан мен ўзим ҳам аччикланаман, ғазабланаман, бошқача айтганда, ўзимни ўзим ейман.

Аслида салбий ҳиссиётida қутулиш осон, энг муҳими – истак. Айни шу асосий муаммо!

Оддийгина хоҳишнинг ўзи етарли эмас, бутун вужуд билан буни исташ керак. Ушбу ният ҳам онгда, ҳам ост онгда, ҳаттоқи мушаклар даражасида ривожланиши керак.

Инсон дангасалиги ва ҳамма нарсани кейинга қолдириш одати даҳшатли оқибатларга олиб келади.

Бу мавзуга битта яхши ривоят бор.

“Биз уйланганимиздан сўнг, биринчи фарзанд, иккинчи фарзанд туғилганидан сўнг ҳаётимиз яхши бўлиб кетади деб ўзимизни ўзимизни ишонтирамиз. Кейин болаларимиз у ишни ёки бу ишни қилиш учун ҳали кичикилигидан хафа бўламиз, каттароқ бўлганда ҳаммаси ўзгаради деб ўйлаймиз. Кейин улар ўсмир бўлганда, уларнинг муносабатлари бизга ёқмайди. Болалар катта бўлганидан сўнг ҳаммаси жойига тушади деб ўйлаймиз. Умр йўлдошингиз барча муаммоларини ҳал қилганидан, ёдда қоладиган таътилни ўтказганидан сўнг, ишлаш ёхтиёжи қолмаганидан кейин ўзимизни яхши сезамиз деб ҳисоблаймиз. Аммо биз айни ҳозирги пайтда ҳаёт кечирмаймиз, ундан хурсанд бўлмаймиз. Хўш, биз қачон яшаймиз? Бизга доимо қандайдир қийинчиликлар керак. Ахир ҳеч нарсага қарамасдан баҳтили бўлиш тўғрисида қарор қабул қилишнинг ўзи етарли. Альфред Соуза шундай деган: «Кўп вақт ичиди мен бу дунёга, ҳақиқий дунёга эрта келдим деб ўйлаган эдим! Доимо енгиш керак бўлган тўскинилклар бўлган, доимо ҳал этилмаган муаммолар бўлган, ҳал қилиш вақт етмаган майда ишлар, қайтарилмаган қарзлар, яъни бу ҳақиқий ҳаёт эмас деб ҳисоблаганман. Ва ниҳоят бу тўскинилклар


ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ИШ ЖАРАЁНИДА СТРЕСС ҲОЛАТИДАН ЧИҚИШ МУМКИН

Уч услуг:


- 1. Теварак атрофни (муҳитни) яхшилаш**
- 2. Руҳиятни тинчлантириш**
- 3. Танани оромлантириш**

Кўпчилик учун “ишлаш” ва “стресс” сўзлари ўхшашиб маънога эга. Уларнинг фикрича, иш жараёнида стрессдан қутилишнинг имкони йўқдек. Хотиржам бўлинг: ўзингизни иш жараёнига тайёрлашга киришингиз билан, осойишта муҳитни яратиш орқали ва содда бўлмаган тинчлантирувчи усусларни бажариш натижасида Сиз бир зумда иш жараёнида стрессдан ҳалос бўлишга эришасиз.

1-услуб. ТЕВАРАК АТРОФНИ (МУҲИТНИ) ЯХШИЛАШ



Кўзларга дам беринг. Иш жойини хушбуй хидлар билан, аммо меъёрида туйинтиринг. Иш столингиз устига яқинларингизни ва севимли жойларнинг фотосуратини, санъат асарлари ёки расм (открытка)ларни кўйинг, улар Сизни кувонтиради. Бунга яна гул ёки гуллар тўплами(букеt) кўшсангиз Сизнинг иш жойингиз янада кўркам бўлади. Ҳар 15 дақиқада монитордан четлашиб, ўзингизга кувончли бўлган жиҳозларга боқинг.



Фаолиятингиз майдонига “гўзал атиргуллар боғи” кўринишидаги видеотасвирларни (видеорелакс) жойлаштиринг. Гўзал атиргуллар боғи тасвири Сизни хотиржам бўлишга ва толиқишдан халос бўлишингизга кўмаклашади. Бир соатда 10 минутни ўз боғингизда “сайр этиш”, ариклардаги кумлар орасидан оқаётган сувнинг ёқимли овозини эшлишга сарфланг. Гўзал атиргуллар боғида кезиши Сизни хотиржам бўлишингизга ва вазиятни назорат қилишингизга имкон беради. Шунингдек гўзал атиргуллар боғи компьютерда чарчаган кўзингизга ором беради.



деб аталади. Бутун жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, мажбуриятлари билимларига, кўникумлари ва касбий маҳоратларига мос келмайдиган, ҳамкаслари ва раҳбарияти томонидан шиддатли тазиқ остида бўлган ишчилар, ҳамда кучи етмаса ҳам, қийин вазиятга қарши чиқаётган ишчилар касбий стрессга дуч келади.

СТРЕСС БУ НИМА ВА У БИЛАН ҚАНДАЙ КУРАШИШ КЕРАК?

«Компанияларга маслаҳат: агар раҳобат сиздан ходимларни сиқиб барча сувини ичишига мажбур қилса, ходимларнинг соглигига сармоя киритишни унумтманг. Шиraliroқ бўлади».

Иван Кириллов, психотерапевт.

Мен ўз афзалликлари ва камчиликларига эга оддий одамман. Ҳар куни барча каби мен турли даражали стрессларга учрайман. Агар ички кучланиши тўплаб келса, кейин ўз кучларини ва сарфланган тайратни тиклаш шахсан мен учун) анча қийин бўлишига эътибор бердим. Аста-секин мен ҳиссиётимни (тўғриси атрофдаги воқеаларга таъсирланишимни) назорат қила бошладим, ва ёмон кайфият ва атрофлардагиларга ташланиб қолишим сони камайиб борди. Ўз кўникумларимни яхшилаш учун адабиёт, Интернетда стресс ва у билан курашиб билан боғлик маълумотларни изладим. Интернетда мазкур мавзуга жуда кўп маълумот мавжуд. Стрессни уddaлаш учун кўплаб маколаларни ўқиш керак ёки мутахассисга мурожаат қилиш керак (албатта, пул эвазига). Шунинг учун менда бутун маълумотни катта бўлмаган ва осон тушунладиган битта ҳужжатга тўплаш фояси пайдо бўлди. Маслаҳат ва усулларнинг аксариятини мен ўзимда синааб кўрдим. Энди уларни сизга тақдим этаман.

СТРЕСС БУ НИМА?

Ушбу сўз маъносидан бошлаш мантиқан тўғри бўлади. Демак, «стресс», инглиз тилидан кучланиш, сиқилиш, босим, тушкунлик деб таржима қилинади.

Стресс — бу ҳиссий ва жисмоний кучланиш холати, у қийин ва енгид бўлмас деб таърифланадиган маълум вазиятларда вужудга келади.

мажбур этади (арзимаган можаро учун ишдан бўшатилиш, жамоада маънавий муҳитнинг монлашуви). Раҳбарлар ходимларнинг эмоциялари конструктив характерга эга, руҳий саломатлик эса юқори даражада бўлишига интилишлари керак.

Психологик маслаҳат беришнинг мақсади ходимларнинг руҳий саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ўзига ишончини рағбатлантириш ва тушунишни кўрсатишидир.

Психологик маслаҳат бериш функциялари


Маслаҳатлар	Қилиниши мумкин бўлган ҳаракатлар бўйича маслаҳатлар.
Руҳлантириш	Муаммоларга қарши туриш учун зарур бўлган мардлик ва ишончни ҳосил қилиш.
Коммуникациялар	Ахборот ҳавола этиш ва тушуниш
Эмоционал зўриқишидан қутулиш	Одамни напряжениядан қутултиришга қаратилган ёрдам кўрсатиш
Фикрларни равшанлантириш	Мантикий, оқилона фикрлар образини рағбатлантириш
Қайта ориентациялаш	Мақсад ва қадриятларнинг ички ўзгаришларини қўллаб-куватлаш

Қайта ориентациялашдан ташқари, ушбу барча функциялар ходимлар билан ҳар куни ҳамкорликда бўладиган ва ходимларнинг эмоционал муаммоларига кўз юма олмайдиган ва уларни муҳокама қилишдан бош торта олмайдиган менежерлар томонидан муваффақиятли амалга оширилиши мумкин. Ташкилотнинг барча даражадаги менежерлари ходимларига самарали ёрдам кўрсатиш усуулларини ўрганишлари лозим. Штатдаги маслаҳатчилар пайдо бўлганда ҳам менежерлар ўзларининг маслаҳат бериш бўйича барча вазифаларини уларга юклашлари мумкин эмас.

Ишда энг яхши натижаларга эришиш учун менежер ҳар бир бошқарув муаммосининг ҳақиқий ва эмоционал жиҳатларини аниқ ажратса олиши керак. Фақатгина иш жойидаги стресс муаммосини тушунган, вазиятни доимий назорат қилган ҳамда раҳбарлар ва ходимларнинг саъӣ-ҳаракатларини бирлаштирган ҳолдагина меҳнат фаолиятининг энг яхши натижаларига эришиш учун оптималь шароитлар яратиш мумкин.

Иш жойида бевосита меҳнат мажбуриятларини бажарииш билан боғлиқ ҳолда олинган ёки олинаётган стресс – касбий стресс


Иш жойингизни батартиб ташкиллаштиринг. Агар иш столингизда тартиб бўлса, Сиз ўзингизда толикиш (стресс) ҳолатини камроқ хис этасиз ёки сезмайсиз. Ишонинг Сизнинг иш столингизда жихозлар батартиб эмас. Унда факат Сизга керакли нарсалар: қаламлар учун идиш, блокнот, телефон аппарати, шунингдек Сизни иш жойингизни янада кўркам ва жозибали бўлишига ёрдам берадиган жихозлар бўлиши керак. Уларни ҳаммасини қўлай жойга кўйинг, ишлатилган ручкаларни ташлаб юборинг. Иш жойингизни оқилона ташкил этилиши Сизга ишда ва ҳаётда ўзингизни бўлган ишончни кучайтиради ҳамда буни назорат қила олиш хиссини беради. Ҳар куни камида 5-10 минутни иш столини тартибга солишга ажратинг. Бу ҳолат иш жойингизда доимий тартибни саклашни кафолатлади.



Эргономик усулда ишлаш мухитини (майдони) яратинг. Агар сизнинг иш жойингиз тўғри ташкил этилган бўлса, Сизнинг организмингиз қаттиқ чарчамайди. Бу ҳолат руҳиятингизга ҳам дахлдор. Мабодо, кўлингиз кўп ёзишдан толиккан ёки оғриётган бўлса, эргономик клавиатура ёки вертикал “сичқонча”дан фойдаланинг, бу қўл ва елкаларга тушаётган босимни камайтиради. Креслони шундай ўрнатингки, Сиз мониторга тўғри карайдиган бўлинг. Шунда Сиз экранга ҳадеб бурилишдан ва бўйнингизга бўлган зўриқидан халос бўласиз.



Альтернатив иш креслосини олиш ҳақида ўйлаб кўринг. Агар, Сизда харакатланадиган кресло бўлмаса, уни компьютерда ишлаш вақтида қулай бўлган ҳолда ўрнатиш учун сотиб олиш мумкин. Агар Сиз креслода харакатлансангиз, Сиз учун бирмунча қўлайлик яратилиди ва ишнинг зерикарли монотон хусусияти камаяди. Тадқиқотлар гимнастика тўпи инсон қаддини яхшилашини тасдиқламаган бўлсада, маҳсус массаж курсиларига ўтириш Сизга қувонч баҳш этади ва харакат эркинлигини таъминлайди. Агар стулда узоқ муддат ўтириб ишлаш оғрикли бўлса, бошқариладиган стол варианти ҳақида ўйлаб кўриш мумкин. Шу орқали Сиз қаддингизни яхшилайсиз ва иш ўрнингизда хотиржамликни ҳис этасиз.



Соғломлаштириш – мутахассислар ходимларга ҳаёт тарзини ўзгартириш бўйича аниқ усуслар: мушакларни бўшаштириш, нафас олишни тартибга солиш, хаёлий яхши тимсоллар, парҳез овқатланиш, спорт машқлари бўйича маслаҳат берадиган дастур. Стressни енгиш усуслари ходимларни уларнинг бевосита таъсири зонасидан четда бўлган напряжение омилларига мослашувига кўмаклашиши мумкин. Соғломлаштириш дастурларининг асосий вазифаси – ходимлар ва ишчи муҳитнинг мослигига эришишдир.

ХОДИМЛАРГА ПСИХОЛОГИК МАСЛАҲАТ БЕРИШ

Психологик маслаҳат бериш – бирон-бир муаммони бартараф этиш ва руҳий саломатликни яхшилаш мақсадида уни ходимлар билан муҳокама этиш.

Психологик маслаҳат бериш амалиёти ва ташкилот ходимларига маслаҳат бериш хизматларига ниссбатан “ходимларга психологик маслаҳат бериш” терминидан фойдаланишнинг бошланиши ушбу услугни биринчи марта 1936 йилда «Western Electric» компаниясида кўллаш тажрибаси билан боғлиқ.

Психологик маслаҳат бериш ўзаро фикр алмашинув билан боғлиқ харакат бўлиб, одамлар ўргасида ҳис-туйгу ва ғоялар алмашинувини тақозо этади. Бунинг натижаси ташкилот фаолияти кўрсаткичларининг ўсиши бўлади, чунки ходим, шахсий муаммоларини бартараф этиб, бошқа одамлар билан фаол ҳамкорлик қиласи, шахсий ишларидан камроқ ташвишланади ва бошқа кўрсаткичларни яхшилашга кўпроқ вакт ажратади.

Психологик маслаҳат беришини профессионаллар каби, оддий ишчи ҳодимлар ҳам ўтказиши мумкин. Булар ходимлар бўлимининг маслаҳат бериш бўйича мутахассиси, бевосита раҳбар, соғломлаштириш марказининг шифокори ёки дўстлар бўлиши мумкин.

Одатда психологик маслаҳат бериш ходим ишдаги муаммолар ва шахсий муаммолари тўғрисида меҳнат кўрсаткичларига улар қанчалик таъсири этса шу даражада эркин гапира олиши учун яширин тарзда ўтказилади.

Психологик маслаҳат беришга эҳтиёж ходимларда юзага келган турли муаммолар, шу жумладан стресс билан аниқланади ва ушбу муаммоларнинг аксарияти эмоционал контекстга эга. Назоратдан чиқар экан, эмоциялар одамни ўзининг шахсий манбаатларига ҳам, корхона манбаатларига ҳам зид бўлган ҳаракатларни қилишга

Стрессларни енгиш учун раҳбарлар ва ходимларнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, релаксацияга имкон яратиш, қайтарувчи биологик муносабат ва шахсий соғломлаштириш дастурларига йўналтириш лозим.


Ижтимоий қўллаб-қувватлаш – ходимларнинг асосий эҳтиёжлари қондирилишини таъминловчи фаолият, ўзаро таъсир ва муносабатлар турларини сақлаб турувчи тизим. Бундай қўллаб-қувватлашнинг тўртта тури мавжуд – инструментал (вазифани қўллаб-қувватлаш), ахборот, баҳолаш ва эмоционал. Ижтимоий қўллаб-қувватлашни ҳамкаслар, бевосита бошлиқ, дўйстлар ва оила кўрсатиши мумкин ва унинг асосида фақатгина ишчи вазифалар ёки турли шакллардаги ижтимоий мулокот ётади. Ҳаттоқи бир одамнинг қўллаб-қувватлаши ҳам стресс даражаси жиддий равищда пасайтиради, аксарият одамлар бошқаларни бундай қўллаб-қувватлаб, ўзларини янада яхши хис этадилар. Ўзидаги ўз ходимларини қўллаб-қувватлаш қобилиятини ривожлантириш, авваламбор, менежерларга керак, муқобил сифатида ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг кенг имкониятларини яратиш ва гурухларда унинг ривожланишини рағбатлантиришдан фойдаланиш мумкин.

Релаксация – хотиржам, организмнинг жисмоний ва эмоционал дам олишига кўмаклашувчи одамнинг ички дунёсига қаратилган фикр-мулоҳазалар бўлиб, бу ташки дунё муаммоларидан четлашиш имконини беради ва стресс даражаси пасайишига кўмаклашади.

Қайтарувчи биологик муносабат – стрессларга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири. Авваламбор инсоннинг стрессорларга реакциясини (бош оғриқлари ёки тез-тез юрак уриши) тадқиқ этиш керак. Кейинги босқич – одамни маҳсус техникалар ёрдамида қонни кислород билан тўйинтириш, юрак уриши, мия импульслари каби ички жараёнларни бошқарувчи рефлекторли асаб тизимини бошқара олишга ўргатиш.

Хордик чиқариш кунлари – иш берувчилар билан амалга ошириладиган дастур бўлиб, ундан ходимлар стрессларни олиб ташлаш ва мустакил ўқиб билим орттириш учун фойдаланадилар. Аксарият корхоналарда бундай кунлар жами тўрт ҳафтадан саккиз ҳафтагача («Хегоҳ» компаниясида – бир йилгача) бўлиши мумкин. Хордик чиқарган ходимларда ўзи ҳақидаги фикри яхшиланади ва ўз меҳнатининг муҳимлиги қатъий ишонч ортади, улар янги гоялар билан қайтадилар. Бундай таътилларнинг кўшимча фойдаси дам олаётганинг вазифаларини бажараётган ходимларни бир йўла ўқитишидир.

Тинчлантирувчи хушбуйликдан (аромат) роҳатланинг. Шалфей хушбуйлигидан ором олиш мумкин (агар ички иш тартибига зид бўлмаса), бунда табиий хушбуйлик тинчлантирувчи иш шароитини яратади. Агар Сиз иш столингизга хушбуй хид тарқатадиган аралашмали идиш қўйсангиз, ўзингизга кулагай бўлган мухит яратган, руҳингиз ва танангизни зўриқишдан ҳалос этган бўласиз.



wikiHow

Хонада кўпроқ ёруғлик бўлсин. Сизнинг иш жойингизда ёруғлик майин ва тинч бўлсин. Нарсалар яхши кўринисин ва хушёрликни йўқотмайдиган ҳолда бўлсин, бироқ кучли ёруғлик (айниқса флюоресценция) Сизни асабингизни бузилиши ва толикитириши мумкин. Майин ёруғлик тарқатадиган мато абажурли стол лампаси хақиқий шамнинг тинчлантирувчи ёниб туриши ҳолатини тиклаш таасуротини беради. Агар хизмат хонангиз (кабинет) деразали бўлса, иложи борича деразага яқинроқ жойлашинг. Иш столингизга табиий ёруғлик тушиши учун яхшиси, деразага орқа килиб жойлашиб олинг (ўтиринг).

2-услуб. РУХИЯТНИ ТИНЧЛАНТИРИНГ



Кўз олдингизда севимли дам оладиган жойни гавдалантиринг. Мабода, иш шароитингиз бениҳоя машаққатли бўлса, бир, икки дақиқа кўзларингизни юминг ва ўзингизни севимли дам олиш жойидаман, деб хис қилинг. Ўша жойининг Сизга ёқимли бўлган хидларини, товушларини ва бошқа жиҳатларини хотирангизда тикланг. Қачонки, Сизни хис-ҳаяжон тўлдириб юборса, руҳан ўзингизни ўша жойга қайтаринг. Агар Сизнинг иш столингизда дам олиш вакти учун имкон бўлса, Сизга уларни эслаш осон кечади. Агар Сизнинг молиявий имкониятингиз вақти-вақти билан севимли дам олиш жойига бориш имконини берса, Сизнинг хаётингиз иш вақтида ва ундан кейин ҳам осойишта бўлади.



Ходимларнинг назоратга бўлган эҳтиёжини ўзини-ўзи бошқариш жамоаларида ходимларнинг иштироки, бошқарувда иштирок доирасида уларга ваколатлар бериш, мослашувчан иш жадвали ҳавола этиш ёрдамида тартиба солиш мумкин.

Ходимларнинг стресс олдида заифлиги турлича намоён бўладиган иккита – “А” ва “В” турлари мавжуд.

“А” турига рақобатга мойил, ўzlари ва бошқаларга сабрсиз, етарли даражада тажовузкор инсонлар киради. Улар ўзи сезаётган босимни атроф-муҳит эмас, балки уларнинг ўzlари, ўzlарига нисбатан оширилган талаблар кўйиб, ҳосил қиласидилар. Бу турдагиларнинг айrim вакиллари юрак хуружи каби касалликларга кўпроқ мойил бўладилар.

“В” тур вакиллари оқимга қарши сузишга ҳаракат қилмайдилар, балки юзага келаётган вазиятни унга мослашган ҳолда қабул қилишга ҳаракат қиласидилар. Улар энг қаттиқ вакт чегараларини хотиржамлик билан қабул қиласидилар ва натижада стрессларга камроқ чалинадилар. Шу билан бирга улар, иш графигига риоя этган ҳолда юқори унумдорлик намойиш этадилар.

А ва В турлари мансуб одамлар ўзини тутиши хусусиятларининг тадқиқотлари кўрсатишича, адоват ва таъсиричаник кам акс этган А тур вакиллари юрак – қон томир касалликларига камроқ йўлиқадилар. Ушбу турга мансуб кўпгина одамлар ўз муваффақиятларидан шунчалик қониққанларки, доимий стрессларни писанд қилмайдилар ва мутлақо соғломдирлар.

СТРЕССНИ БОШҚАРИШ УСЛУБЛАРИ

Стресслар ва уларнинг оқибатлари муаммолари билан ташкилотларнинг ўзи ҳам, алоҳида мутахассислар ҳам ташвишланадилар. Стрессни бошқариш масаласини таклиф этилаётган усуллардан бири – стрессларни олдини олиш ва улар даражасини назорат қилиш, стресслардан ўзини четга олиш ва уларни енгиш орқали эришиш мумкин.

Ходимларнинг бошқарувда иштирок этиши, менежерлар ўзаро фикр алмашинув қўнималарини яхшилаш каби ташкилий тадбирлар стрессни камайтириш ёки стресс омилларига йўл кўймасликка каратилган.

Алоҳида ҳодимлар учун диққат-эътибор омилларига қарши туришни ўргатувчи тренинг, бошқа иш жойига ўтиш ёки ташкилот доирасида бошқа ишга ўтиш, пенсияга муддатидан олдин чикиш стрессдан ўзини олиб қочишидир.

Стресс ва иш вазифаларини бажаришнинг кўрсаткичлари

Стрессларнинг умуман йўқлиги ходимларга жуда ҳам оддий вазифалар қўйилиши, ва уларнинг бажарилиш кўрсаткичлари паст даражада эканлигини билдиради. Унумдорлик кўрсаткичлари “мехнат жараёни қўядиган талабларни қондириш учун зарур бўлган кўшимча манбаларни” сафарбар этишга ёрдам берувчи стресс даражаси ортишига кўра ўсиб боради.

Конструктив стресс соғлом рағбатлантирувчи омил бўлиб, ходимларни қўйилган вазифадаги чакирикқа жавоб беришга ундаиди. Кейинчалик, стресс одамнинг хар кунлик меҳнат жараёнида максимал натижаларга эришиш потенциал қобилиятига мос кўрсаткичга етади.

Стресс унинг даражаси ўта юкори бўлганда деструктив боскичга ўтади. Маълум бир нуктага етгандан сўнг иш кўрсаткичлари пасайишни бошлайди, чунки ортиқча босим иш вазифаларини бажаришга тўсқинлик қиласди. Ходим стресс устидан назоратни йўқотади, қарор қабул қилиш қобилиятидан айрилади. Стресс янада ортганда муваффақиятсизлик нуктасига етилади ва иш кўрсаткичлари шиддат билан нолга teng бўлади.

Иш кўрсаткичлари стрессга боғлиқлигини мусикा асбобларининг торлари билан таққослаши ўринилдири. Тор нотўғри тортилиши керакли садога эришиши имконини бермайди, торларни ўзгараётган шароитларга қараб созлаши лозим. Худди шунингдек, менежер ходимлар диккат-эътибори даражасини кузатиб бориши ва уни иш шароитларига қараб тўғрилаб бориши лозим.

Стресснинг ишчи вазифаларни бажариш кўрсаткичларига таъсирининг иккита асосий омили мавжуд: ички (ташқилий) ва ташки (хизматдан ташқари). Стресс остонаси – иш кўрсаткичларида номакбул акс этадиган стресснинг нохуш хисси бошлангунига қадар ходим кўтара оладиган ғайрат-шижоати (амплитуда ва частота) даражаси – ички омилларга киради.

Айрим ходимларнинг стресс остонаси паст бўлиб, тезда издан чиқадилар, стресс остонаси нисбатан юкори бўлган бошқалари стресс жуда ҳам чўзилиб кетган ва кучли бўлиб колгунига қадар самарадорликнинг юкори кўрсаткичларини намоён этадилар.

Иш ва унинг шароитлари устидан қабул қилинадиган назорат даражаси – бу ходим стрессига таъсир этувчи ички омил. Юкори даражада мустақиллик ва қарор қабул қилиш эркинлигига эга бўлган ходимлар нисбатан юкори меҳнат кўрсаткичларига эришадилар.

Ҳамкасабаларингиз билан дўст бўлинг. Балки Сиз иш жойида ёлғизлиқдан, ўз қобигига ўралашиб қолганлиқдан, бутун иш вақти давомида ҳеч ким билан мулокотда бўлмаганилардан стресс ҳолатига тушаётгандирсиз. Ҳамкасабалардан чин дўст топиш шарт эмас. Аммо улар билан тушлик танаффуси пайтида ёки бир чашка кофе (бир пиёла чой) баҳонасида яқиндан танишиш ва мулокотда бўлиш мумкин. Тушунинг, Сиз ҳамкасабаларингиз билан бир қозонда қайнайсиз ва улар сизнинг ҳолатингизни яхшироқ тушунадилар.

Дўстона муносабат ва кулиб туриш нафақат дўст орттиришини балки, руҳиятни тинчлантиришга имкон беради.

Агар Сиз ҳамкасабаларингизни яқинроқ билсангиз, вакти-вақти билан ўзаро самимий кулгига шароит бўлади, кулги эса стрессни кетказади.

Бордию, ҳамкасабаларингиздан бири билан дўстлашиб қолсангиз, Сиз у билан кечинмаларингизни баҳам кўришингиз ва сирлашишингиз мумкин бўлади ва бу ҳам стрессни йўқотишга ёрдамлашади. Сизни қийнаётган ўй-хаёлларни кимгадир айтсангиз, ўзингизни ёлғизлиқдан ҳалос этган бўласиз.




Келажак режаларини тузинг. Чарчаганингизда ёки режалаштирилган ишни бажара олмаганингиз сабабли хис-туйгуларингиз тўлиб-тошганда стулга қуладай жойлашиб, чуқур нафас

олиб, ўз-ўзингизга келажақдаги режаларингизни гапириб беринг. Баъзида хамма вақтингиз ишга сарфланаётгандек туюлади, лекин охир оқибат иш хаёт ва ўлим масаласи эмас. Албатта шундай касблар хам борки, улар хаёт учун хатарлиди.

Сизнинг хаётингизга баҳт ва осойишталик берувчи бошқа нарсалар борлиги хақида ўзингизга эслатинг. Булар оила аъзоларингиз, дўстларингиз, ёқимли машғулотларингиз ёки уй хайвонларингиз бўлиши мумкин.

“Бу охир замон эмас-ку” ибораси тез-тез ишлатилса хам ишдаги стресс холати Сиз учун ахамиятсиз эканлигига ўзингизни ишонтиришингиз керак.



Фикрланг. Иш жойингизда ёки полда 20 дақиқа давомида мулохаза юритсангиз ўз хис-туйғуларингизни назорат қила оласиз. Мулохаза юритиш учун қулай шароитли жой топишингиз керак. Кўлингизни тиззангизга қўйинг, қаддингизни ростланг ва тинчланиш учун танингизнинг маълум бир қисмiga дикқатингизни жамланг.

Кўзингизни юминг ва нафас олиш-чиқариш вақтидаги барча товушларга кулоқ солинг.

Шунингдек кунингиз мароқли ва мазмунли ўтиши учун иш бошлашдан аввал мулохаза юритишингиз мумкин.

СТРЕССНИНГ САБАЛЛАРИ

Стрессни аниқлагандан кўра унинг олдини олган муҳим, ва стрессни олдини олишга қаратилган биринчи қадам – стресс сабабларини тадқик этишdir.

Стрессорлар – стрессни келтириб чиқарадиган шароит ёки сабаблар. Жиддий стресс юзага келиши учун биргина сабаб етарли эканлигига қарамай, одатда, инсон бир нечта стресслар таъсирига дучор бўлади.

Стресснинг характеристи кўп жиҳатдан стрессорларга индивидуал реакция билан тавсифланиши одамларда тажриба, дунёкарош ва ички омилларда фарқ мавжудлиги билан изоҳланади. Бироқ меҳнат жараёнинг тааллукли бир қатор ташки омиллар борки, улар стресслар юзага келишига сабаб бўлади.

- **Ишдаги зўриқишлиар ва вақтнинг қатъий чегараланганилиги** – буларнинг сабаби, одатда, менежмент сифатининг пастлиги, автократ бошқарув, иш жойида ҳимояланмаганлик, лавозим вазифаларига мутаносиб бўлмаган ваколатлардир;

- **Ходимлар билан боғлиқ конфликтлар ва ноаниқликлар** – ходим ўз ҳаракатларининг ёки хамкаслари ва менежерлар умидларининг тўғрилигига ишонмаганда содир бўлади, бунга ходимда кутилаётган ҳаракатларнинг формал модели йўқлигини келтириб чиқарувчи аниқ ифодаланмаган лавозим йўрикномалари олиб келади;

- **Корхона ва ходимлар қадриятлари тизимларидағи фарқ** – асаб-руҳий стрессга олиб келади, бунга йўл кўймаслик учун ходим қадриятлар тизимлари мувозанатига эришиши лозим;

- **Ҳар қадай турдаги ташкилий ўзгаришлиар** – янги шароитларга тез мослашиш махоратини талаб этади. Молиявий холат юзасидан хавотирланиш даражасининг ортиши кескин ва ғайриоддий ўзгаришлиарни келтириб чиқаради;

- **Фрустрация** – исталган мақсадга эришиш имконини бермаслик учун мотивацияни блокировка қилиш. Фрустрацияга энг одатдаги реакция – тажовузкорлик, лоқайдлик, ишдан чиқиш, регресс, мияга ўрнашиб қоладиган foяларнинг пайдо бўлиши.

Шундай қилиб, стресс тушунчасининг, унга муносабатнинг энг четки формалари ва пайдо бўлиш сабабларини кўриб маълум бўладики, ривожланаётган давлатларда “мавжуд бўлмаган” ишдаги стресслар муаммоси ҳозирги жамиятда жуда муҳим ва ўзига турли соҳалардаги мутахассисларнинг дикқат-эътиборини ва ҳал қилишнинг самарали услубларини талаб этади.

тадан ортгандан сўнг япон корпорациялари жиддий профилактик тадбирларни кўриш – ходимларни таътилларга чиқишга мажбур қилиш, пархезли овқатлар, спорт билан шуғулланиш ва стресслар даражасини бошқаришни тарғиб килишга киришдилар.

Корхоналар эрта ҳолдан тойишга олиб келувчи иш турларини бўлгани каби, бундай ҳолатга дучор бўлган ходимларни аввалдан аниқлашлари зарур.

Маънавий жароҳатланиш – стресс натижаси бўлиб, унинг манбаи ходимлар хавфсизлигига бевосита таҳдиддир (ташкилот инқизози, табиий оғат, раҳбарият томонидан хақоратлаш ёки ишни йўқотиш). Ҳозирги вақтда маънавий жароҳатланишнинг учта тури кенг тарқалган:


- Иш жойида маънавий жароҳатланиш – дискриминация, тахминларга асосланган муносабат, ишдан ноҳақ бўшатиш натижасида ходимларнинг ўзи ҳақидаги фикрининг вайрон қилиш, ўз кобилиятларига ишончсизлиги. Иш жойидаги маънавий жароҳатланишнинг аломатлари – концентрациянинг қийинлиги, ётсираш, кечикиш, прогуллар, баҳтсиз ҳодисаларга мойилликдир;

- Қисқартиришлар тўлқинини бошдан кечирган ходимларнинг ғазабланиш, бетайнлик, айборлик ва шубҳаланиш ҳисси билан тавсифланувчи касалланиши. Ходимлар бир вақтнинг ўзида ҳам ишдан бўшатилган ходимлар олдида айборлик, ҳам ҳажми бир қанча ортган ўз ишлари борлигидан қувонч ҳамда келаси сафар уларни ишдан бўшатишмасмикан деган хавотир хис этадилар;

- Иш жойидаги зўравонлик – стресс ҳолатида бўлган ходим компания мулкига зарар етказувчи ёки ҳамкаслари ва раҳбарлар жисмоний соғлиғига зиён етказувчи ҳаракатларни содир этганда рўй беради. Бундай зўравонлик ҳодисалари бирон-бир сабабсиз муштлашувлар, мулкни вайрон қилиш ва курол қўллашни ўз ичига олиши мумкин.


Иш жойидаги зўравонлик АҚШда иш билан боғлиқ ўлим сабаблари ўртасида қотиллик учинчи ўринда эканлигининг сабабидир. Зўравонлик келтириб чиқарган шок стресснинг узоқ вақт даволанишни талаб этувчи аломатлари юзага чиқишига дарҳол олиб келади.

Стресснинг энг сўнгги формаларининг ҳар қайсиси, ҳолдан тойиш ҳам, маънавий жароҳатланиш ҳам жуда оғир оқибатларга, ҳаттоқи ўлимга ҳам олиб келиши мумкин ва салбий оқибатларни қисқартириш учун бир қатор профилактик тадбирлар лозим.



wikiHow

Фикрларингизни ёзинг. Ҳаттоқи компьютердаги ишингизни давом эттирган ҳолда фикрларингизни ёзишингиз мумкин. Телефон орқали қабул қилинган кунлик вазифалар рўйхатини ёки маълумотларни ёзинг. Ишингизга таълуқли бўлмаган сўзларни ҳам ёзинг. Шу тарзда Сиз компьютердан вақтинча узоқлашишингиз мумкин ва ижобий натижаларга эришасиз.



wikiHow

Китоб ўкинг. Тажрибалар натижасига кўра, бир кунда 6 дақика давомида китоб ўкиш фикрларни жамлашга ва стресс таъсирини камайтиришга ёрдам бериши исботланди. Албатта бутун бир романни ишхонангизда ўқишинингизни иложи йўқ, аммо сиз киска танафус килиб 10 бет ўқисангиз, руҳиятингиз тинчланади ва Сиз кундалик мажбуриятингизни бажаришингиз мумкин бўлади.

Хамкасларингиз билан биргаликда китобхонлар клубини ташкил қилишингиз мумкин. Ишинингиз сизга завқ баҳш этади ва китоб ўкишга бўлган қизиқишингиз ортади.



Иш хажмини назорат қилинг. Тинчланиш учун иш вазифаларингиз кўп эмаслигига ишонч хосил қилинг. Иш жадвалингизни назорат қилиш, баъзи вазифаларингизни бажариш учун хамкасларингизга беринг. Лойиҳалар бўйича улардан ёрдам сўранг. Хаттоки, зиммангизга олган ишларни камайтиришингиз мумкин.

Айтайлик Сиз тушкунлик холатидасиз, чунки бир неча соат давомида самарасиз ишладингиз ва энди киска муддатда ҳаммасини бажаришингизга тўғри келади. Ушбу вазиятга тушмаслик учун иш жадвалини тузинг. У Сизга олдингизга қўйилган вазифаларни муддатида бажаришингизга ёрдам беради.

шароитлари, узок вакт давом этувчи низолар руҳий азиятлар, неврозлар ва ҳаттоки ўз жонига қасд қилишларга олиб келиши мумкин. Ходимлар компаниянинг жавобгарлиги аниқланган холдагина нафақа олишлари мумкин, шунингдек, иқтисодий зарарни қоплаш юзасидан судга даъво киритишлари мумкин.

Сўнгги юз йилликда иш жараёни шиддат билан ўзгартирилди, бу ўзгартиришлар хали ҳам давом этмоқда, келажакда эса уларнинг тезлигини бўрон тезлиги билан таққослаш мумкин. Вақтнинг босими кучайиб боради, ва модомики *мехнат жараёнидаги стресс нафақат бир киии учун хавф тугдирини, балки бутун жамоа соглигига таъсир этиши аниқланган экан, вазиятни бошқаришини ўрганиши зарур.*

СТРЕССГА ТАСИР ЭТУВЧИ СЎНГИ ФОРМАЛАР

Стресснинг ходимга таъсири, биринчи навбатда, стресс омиллари таъсирининг давомлилиги, таъсир даражаси ва ходимнинг тикланиш имкониятларига боғлиқ.

Холдан тойиш – стресс вазиятларига доимо равища қарши туришда пайдо бўладиган ва одамларни ҳам руҳий, ҳам жисмоний холсизлантирадиган ҳолат. Ханс Сели назариясига кўра, “стресслардан холдан тойган инсон организми қайта тикланиш қобилиятини секин-аста йўқотиб боради”. Холдан тойганда эмоционал холсизланган ходимлар ожизлик ҳис этадилар ва ўз касбий вазифаларини бажаришдан секин-аста узоклашадилар.

Холдан тойиш турли хилдаги ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ касблар (тиббий ходимлар, ижтимоий ходимлар, кутқарувчилар ва х.к.)да ёки доимий равища юқори даражадаги стрессли касблар (авиадиспетчерлар, бевосита мижозлар билан ишловчи ходимлар, биржадаги маклерлар ва бошқалар) билан машғул одамларда нисбатан кўпроқ учрайди. Холдан тойиши бошдан кечирувчи ходимлар доимий шикоятлар, сержахлликка мойил бўлиб, кўпинча ўз хатоларини бошқа одамларга юклайдилар. Холдан тойиш ходимлар кўнимсизлиги кўпайиши, ишга чиқмаслик кўрсаткичларининг ўсишига, ишлаб чиқариш унумдорлиги пасайишига олиб келади.

Японияда “холдан тойиш” тушунчасига “кароши”, ёки иш жараёнидаги зўрикиш, ва натижада – юрак хуружи ва фалажлик сабабли ишда “тўсатдан ўлиш” термини тўғри келади. Бу касаллик раҳбарлар, автобус ва такси хайдовчилари, сотувчилар, санитар аёллар ҳаётини олиб кетади. Бу каби ўлимларнинг сони йилига 10 000

Стресс холатида инсонда саросима ва ваҳима аломатлари намоён бўлади, шундан сўнг унинг ўзини тутиши ёки стресс сабабларига нисбатан хужум қилиш, ёхуд химояланиш характеристига эга булади.

Аксарият инсонлар учун стресснинг қуидаги бир нечта аломатлари характеристидир:

- хотиранинг заифлашиши;
- тез-тез хатоларга йўл қўйиш;
- дикқат эътиборини ишга қаратишга қодир эмаслик;
- доимий чарчоқ;
- органик сабабларсиз тез-тез бош оғриши, ошқозондаги санчик;
- гайритабиий секин ёки тез нутқ;
- зарарли одатларни сунистъемол қилиш;
- юмор туйгусининг йўқолиши;
- доимий равишда очиқканлик ҳис қилиш ёки унинг йўқлиги;
- юқори жizzакилик ва таъсирчанлик.

Мазкур аломатларнинг пайдо бўлиши (хатто алоҳида ҳолда ҳам) ўзининг кетидан жиддий муаммолар келтириб чиқариши мумкин, масалан ходимни меҳнатга лаёқатлилик холатидан анча вақтга чиқариши мумкин бўлган асабнинг бузилиши. Номақбул оқибатларнинг олдини олиш учун раҳбар ўзининг бевосита қўл остидагиларга нисбатан эътиборли бўлиши лозим.

Ишнинг қўргина турларида ишлаб чиқариш жараёнидаги стресслар мавжудлигидан деярли қутулиб бўлмайди. Айни вақтда одамларнинг индивидуал хусусиятлари стрессга турли омилларнинг кенг доирасига олиб келади: бир киши учун қизиқарли ва қийин қандайдир топшириқ, бошқа одамда катта даражада ташвиш келтириб чиқарди.

Инсон организмининг стрессни мустақил равишда енгишга уриниши жисмоний соғлиқ бузилишига олиб келади. Узоқ вақт давом этаётган стресс юрак кон томирлари, буйрак ва бошқа тана аъзолари ва тизимлари касалланишига олиб келади. Аксарият одамлар, жиддий эмоционал ёки жисмоний касалланишлардан ўзини олиб қочган ҳолда стресслар таъсирини енгишга қодирдирлар, бироқ бунга факатгина ишдаги ва ундан ташқаридаги стрессларнинг даражалари етарлича паст бўлиб қолгандагина эришилади.

Айрим холларда ташкилот ишдаги стресснинг ходимларга жисмоний ва эмоционал таъсири учун юридик жавобгар бўлиши мумкин. Ишлаб чиқаришда тан жароҳати олиш, ишнинг қониқарсиз



Ишда қўпроқ серзавқ бўлинг. Агар Сиз ишингиздан баҳра олишни хоҳласангиз, ишга мамнуният билан кела оласиз, иш кунини осон ўтказишингиз ва яна эртага ишга яхши кайфиятда қайтасиз. Сиз маълум бир вазифани бажараётганингизда ишингизни қизиқарли қилиш имконсиз туюлганда ҳамкасларингизни меҳмон қилингиз, хафтада бир марта ўзингизни мазали тушлик билан сийлашингиз, ишқий роман ўқиб чиқишингиз ёки тансик шириналлар билан рағбатлантиришингиз мумкин.

Агар ишингиз ҳакидаги фикрларингиз изжобий бўлса ҳам, ушбу маслаҳатлар хилма-хилликни юзага келтиради ва Сиз ишни стресс манбаи сифатида қабул қилишни тўхтатасиз.



Тушлик қилинг. Хатточи тушлик Сизга вақтни бекорга сарфлашдек туулса ҳам, қайсики зарур вазифаларни бажаришда Сизни چалғитса ҳам, тушлик сизни кайфиятингизни күттаради ва стресс холатидан чиқаради. Сиз иш жойида күпроқ диккатли ва самарадорликка эришасиз.

Бундан ташқари тушлик вақти сизга қийин вазифадан چалғышга ёрдам беради ва иш кунини яхши кайфиятда давом эттиришга тайёрлайди.

Агар сиз бир ўзингиз тушлик қылсангиз ҳам иш столингизда тушлик қилманг. Бунда Сиз тушлик қилаётгандыңи хис этмайсиз. Бордио сиз яқин атрофдаги бирон-бир кафега салат егани чиқсангиз ҳам тинчланасиз.



Тинчлантирувчи мусика тингланг. Сизни тинчлантирувчи күйлар рўйхатини тузинг. Сизнинг севимли дискингиз, Моцарт ёки Бетховен мусиқалари бўлишидан қатъий назар, ҳеч кимни چалғитмаслик учун мусиқани эшитиш мосламаси (наушник) орқали эшиting. Сиз тинчланасиз ва ортиқча хаяжонланмайсиз.

Инсон учун ноқулай холат ҳамда унинг эмоционал ва руҳий ҳолатига негатив таъсириш айнан хавфи олдиндан сезишни келтириб чиқаради. Ишда стрессли вазиятлар ҳакида гапирав эканмиз, бундай тахмин, авваламбор, ишдан бўшатиш, режаларни бажармаслик, ўзининг укувсизлигини кўрсатиб қўйишдан қўрқиши, раҳбарият ёки жамоа билан зиддият билан боғлиқдир.

Мутахассислар стресснинг қўйидаги беита турини ажратиб кўрсатадилар:

1. Физиологик стресс – инсоннинг кам ухлаши, қорни овқатга тўймаслиги ёки оғир жисмоний зўриқишлар сабаб бўлган жисмоний каттиқ чарчашнинг натижаси.

2. Психологик (рухий) стресс – келажакка ишончнинг йўқлиги, атрофдагилар билан муносабатларнинг ёмонлигидан келиб чиқади.

3. Эмоционал стресс – ортиқча кучли хис-туйғулар – қўркув, қувончдан келиб чиқади. Стресснинг мазкур тuri нафақат одамга ўлим ёки ўзининг энг яқин кишисини йўқотиш хавфи таҳдид қилганда, балки кутилмаган ва улкан қувонч натижасида ҳам рўй беради.

4. Ахборот стресси – жуда ҳам кам ёки жуда ҳам кўп ҳажмда ахборотга эга бўлган инсонда пайдо бўлади. Тўлиқ ахборотнинг йўқлиги инсонни уни қизиқтираётган ишнинг бўлиши мумкин бўлган натижалари тўғрисида турли тахминлар қилишга мажбур қиласди ва уни доимо сергаклика тутади. Ишларнинг ҳакиқий ҳолати тўғрисида салбий (негатив) маълумотларнинг жуда ҳам кўплиги одамни қайғуришга мажбур қилиб, худди шундай зўриқишда ушлаб туради.

5. Бошқарув стресси – қабул қилинаётган қарорларнинг таваккаллиги ёки харакатлар учун масъулият жуда ҳам катта бўлганда ва одамнинг маънавий барқарорлиги ёки унинг лавозимига мос келмагандан пайдо бўлади.

Стресс инсон ишининг самарадорлигини жиддий равища пасайтиради, шунинг учун раҳбар ўзининг ходимлари ўзларини хотиржам ва дадил хис қиласидан иш шароитларини яратиши лозим. Стресс бевосита ёки билвосита корхона мақсадларига эришиш харажатларини оширади. Агар стресслар таъсири жуда ҳам чўзилиб кетса, улар реал хавф касб этади.

Бирок, стресс ижобий моҳиятга ҳам эга бўлиши мумкин деган фикр ҳам мавжуд. Янги мураккаб вазият туфайли келиб чиқсан стресс барча кучларни уни ҳал этишга сафарбар этишга туртки бериши ва инсон ривожланишида янги босқич очиб бериши мумкин, лекин фақатгина қатъий белгиланган вақт оралиғи давомида.

Бирок сўнги ўн йилликда амалга оширлган тадқиқотлар асосида стрессли камайтириш ёки техник бартараф этиш бўйича бир нечта стратегиялар ажратиб олинган.

Улар орасида энг самаралиси қўйидагилар:

- пастки бўғин ва ўрта бўғин менеджерлари учун махсус иш жойидаги стрессли аниқлаш, енгиб ўтиш ва бартараф этиш бўйича тренинглар ўтказиш;
- гурух билан жамоавий қоидаларига амал қилган ҳолда ходимлар томонидан ишни назорат қилишга мўлжалланган ишлаш жараёнини назорат қилиш;
- стресс натижасида ходимларнинг соғлиги бузилиши ва унинг олдини олиш, даволаш бўйича маслаҳат бериш қўллаб-куватлаш дастурини ишлаб чиқиши;
- технологик ўзгаришлар содир бўлганда ходимларни қўллаб қувватлаш ва ўқитиш дастури намойиш этиши;
- иш графигининг ўзгарувчанлиги;
- ходимлар ўртасидаги содир бўладиган можароларни олдини олиш юзасидан малакасини ошириш бўйича семинарлар ўтказиш;
- ташкилотнинг менежмент ва ходимлари ўртасида очик мулоқотлар ўтказиш. Охириги стратегиянинг муҳимлиги шундан иборатки иш жойининг сақланиши, иш жараёнида содир бўлаётган ўзгаришлар ва бунга қаршилик кўрсатишлар, иш билан жараёнидаги мукофотлаш тизимида ноҳақлар мавжудлиги ва бошқа омилларнинг таъсирини камайтиришдир.

Стрессни умумий текшириш жараёнида давлат секторининг ўзига хос хусусиятли касблари қаторига қўшимча тарзда милиция, фавқулотда вазиятлар хизмати ходимлари, юк ташиб операторлари, ўрмон ёнғин хавфсизлиги ходимлари, ўқитувчилар, адвокатлар каби стресс бўлиш экстимоли юкори янги иш жойлари аниқланди. Давлат секторининг асосий вазифаларидан бири стресслинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича турли хил давлат идоралари ва уларда банд бўлган мавжуд ходимлар учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиши лозим.

ИШ ЖОЙИДАГИ СТРЕСС

Стресс нима?


Стресс (инглизча stress - танглик), кучли таъсир остида инсон ёки ҳайвонда пайдо бўладиган зўриқиши ҳолати. Хитой тилида “стресс” тушунчаси иккита иероглиф – хавф-хатар ва имконият билан ифодаланади.

3-слуб. ТАНАНИ ОРОМЛАНТИРИШ.



Харакатланинг. Стрессни камайтириш учун креслодан ҳеч бўлмаганда бир соатда бир марта туриш керак. Қисқа 10-20 дақиқали сайр сизнинг танангизни тинчлантиришга ёрдам беради. Лифтдан фойдалангандан кўра пиёда зинапоядан кўтарилишга харакат килинг. Хамкасбингизга электрон хат юборгандан кўра, унинг ёнига боринг. Ушбу оддий харакат сизни тинчлантиради.

Иш столингиз ёнида оддий сакраш хам сиз илхомлантиради ва ишдаги зўриқишини олади.



Керишинг. Дақиқалик керишиш сизга тинчланишга ва вазиятни назоратда ушлашга ёрдам беради. Иш жойида қўлни, бўйинни ва елкани чўзиш каби оддий машқларни бажариш мумкин. Биз сизга қуидаги машқларни таклиф қиласиз:


ўрнингиздан туриング ва оёқ бармогингизгача чўзилинг. Шу холатда 10 сония туриング. Бу умуртқани чўзиш учун яхши.

Елка билан олдинга ва орқага айланинг. Умуртқа ва бўйиндаги чаркоқдан халос бўласиз.

Бўйинни чўзинг. Бошингизни чап ва ўнг томонга қулоқларингиз елкангизга теккунча оғдиринг.

Бир қўлингизни олдинга чўзинг, кафтиңгиз олдинга қараган бўлсин (худди сиз “Тўхта” дегандек), сўнг бармокларингизни орқага тортинг.

Елкани кенгайтинг. Иккита қўлингиз билан стулни ушланг ва ўнг-чап томонга буринг.



Стресс холатидан чиқарувчи маҳсулотларни истеъмол қилинг. Сизни дикқатингизни жамлашга ёрдам берадиган, стрессдан чиқарувчи ва тетиклаштирувчи маҳсулотлар жамламаси мавжуд. Тажрибалар шуни кўрсатдиги, агар сиз апельсин шарбатини ичсангиз ёки апелсин бўлагини шимсангиз тинчланасиз. Авокадо, балиқ (лосось), бодом ва исмалоқ ҳам шундай таъсирга эга. Ушбу маҳсулотларни кундалик рационингизга киритинг ёки ишда танаффус вақтида истеъмол қилинг.

Менежментнинг вазифаси - ушбу омилларнинг барчасидан хабардо бўлиш, ўз ташкилотининг ичидаги мавжудлиги ва ходимларга нисбатан унинг таъсирини билиш.

ИШ ЖОЙИДАГИ СТРЕССЛАРНИ КАМАЙТИРИШ: ОЛДНИ ОЛИШ ВА СУСАЙТИРИШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Иш унунмдорлигининг сифатига салбий таъсир кўрсатадиган иш жойидаги мавжуд стрессларни имконият даражасида олдини олиш ва сусайтириш бўйича чоралар кўриш лозим. Шунинг учун иш жойида стрессларни аниқлаш ва ходимларга таъсирини билиш мақсадида ташкилий текширув ўтказиш лозим. Бу жараённи жуда юқори савияда ташкил этиш ва бир нечта тажрибалари ва пухта тайёрланган шахлар иштирокида амалга ошириш лозим. Охирги изланишлар натижаларига кўра иш жойидаги стрессли олдини олиш ёки сусайтириш йўллари қуидагича изоҳланган:

- ҳаётий стресс кўрсаткичларини тузиш;
- асаб фаолияти бузилиши усулларини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш;
- жаҳл чиқиши сабабларини таҳлил қилиш;
- ташкилий стрессли текшириш;
- турли хил бўлинмалар учун стрессга қарши вазмин бўлиш ва сусайтириш чораларини ишлаб чиқиш;
- бошқа стресс индексларига тегишли касблар ёки тақдим этилган тадбирлар воситалари ҳар бир ташкилотнинг ўзига хос хусусиятларига мос келиши.

Профессионал стрессли аниқлашада олти хил лекин бир бири билан боғлиқ бўлган, диққатни жалб қиласидиган қуидаги саволномадан фойдаланилади:

- босим манбааларини аниқлаш;
- ходимларнинг умумий аҳлоқи;
- иш жараёнидаги назоратни ўзлаштириши;
- стрессли енгиз стратегияси мавжудлиги;
- ходимларнинг соғлиги;
- иш жойидан қониқиши.

Стрессга тегишли зарур воситалар яратилгандан ва жамоатчилик текширувидан сўнг, стрессли савиясини камайтириш ва унинг олдини олиш бўйича чоралар кўлланилиши лозим.

Стресссли олдини олиш бўйича аниқ чоралар кўрилиши учун стрессли жараёнини текширувидан сўнг амалга оширилиши лозим.

касалликларига олиб келиши эхтимоли сезиларли даражада ортиши ўртасида алоқа борлигини күрсатди.

Улар энг асосий усууллардан бири бу ишчи муҳит лойиҳасини яратишга катта эътибор бериш соғлиқнинг бузилишини камайишига олиб келади деган хulosага келдилар.

Бошқа тадқиқотлар натижасида иш жараёнидаги стресс билан бевосита иммунитет тизимини кучсизланиши, юқори артериал босим, гармонал баланснинг бузилиши, кайфиятнинг ўзгариши, ўткир дипрессия, уйкусизлик, хазм қилиш тизимининг бузилиши, хаддан ташқари вахима қилиш ва жаҳл чиқиши, шунингдек зўрикиш, иш жойидаги баҳтсиз ходисалар, наркотик моддалар ва алкоголь истеъмол қилиш ўртасида боғлиқлиги топилди.

Ушбу интизомнинг ёки манфаатларнинг бузилиши иш жараёни сифатининг ёмонлашишига ва меҳнат унумдорлигининг пасайишига олиб келади.

ИШ ЖАРАЁНИДА СРТЕССНИНГ ПАЙДО БҮЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ОМИЛЛАР

Тадқиқотчилар иш билан боғлиқ стресс сабабларини куйидаги тарзда изоҳлайдилар:

- қарор қабул қила олмаслик ва иш жараёнини назорат қила олмаслик хисси;
- алоқанинг етарли эмаслиги натижасида ишнинг орқага йўналиши;
- деярли ҳамма жойда ноаниқ тартибсизлик;
- мукофотлаш тизимиға нисбатан ноҳақлик туйғуси;
- иш жойининг сакланиб қолишига ишонч йўқлиги;
- янги технологияларга мослашиши қийинлиги хисси;
- сурункали равища ҷала ишлаш ёки қўп ишлаш;
- сменада ишлаш;
- ёқимсиз ёки адоватли иш муҳити;
- салбий ижтимой муҳит;
- ҳаёт ва ўлим билан боғлиқ қарорларни қабул қилишдаги маъсуллик.

Стрессни бошқаришга оид адабиётларда ушбу омилларнинг ҳар бирига муҳим аҳамият қаратилган бўлсада, айрим шахслар худди шундай стресс жараёнида турлича таъсирланишига алоҳида эътибор қаратиш лозим.



wikiHow

Меъёридан ортиқ кофеинни истеъмол қилишдан сақланинг. Газли сув, кофе ва қувват берувчи ичимликларда кофеин мавжуд. Шундай ичимликлар стресс холатига келтиради. Кофеин диққатни жамлашга ва қисқа муддатга самарадорликни оширишга ёрдам беради. Агар таркибида кофеин бўлган ичимликларни меъёридан ортиқ истеъмол қиласангиз, асабийлашасиз ва ҳаяжонланасиз. Агар сиз меъёридан ортиқ кофеин истеъмол қилишга мойил бўлсангиз, бундай ичимликлардан воз кечишга харакат қилинг. Ундан кўра, совутилган курка гўштини истеъмол қилинг.

Шунингдек, кофеин чой таркибида ҳам мавжуд, лекин кофени доимо истеъмол қилгандан кўра чойни кам-кам микдорда ичган яхши. Кофеинсиз чой ичиш (масалан ялпизли чой) сизни тинчланишингизга ёрдам беради.



wikiHow

Йога машқлари билан шугулланинг. Йога машқлари тана ва руҳингизни тинчлантирувчи хусусиятга эга деб хисобланади. Агарда сиз ишгача, ишдан сўнг ёки тушлик вақтида йога билан шугуллансангиз, сиз дикқатингизни оширасиз ҳамда танангиз ва онгингиз билан алоқани топасиз. Дўстингиз билан йога машғулотларига боринг ва тана ҳамда руҳингизни учун роҳатланинг.



Бу омилларни йўқотишида дориларни танлаш қатъий индивидуалdir: бу дорилар касаллик симптомларини камайтириш билан бирга умумий иш самарадорлигини камайтиради ва уйқуга олиб келади. Факатгина шифокоргина стресс билан курашишда самара берадиган, кундалик хаёт ритмини ва ишдаги соғлом фаолиятни сақлаб қоладиган фойдали тўғри воситани тавсия қила олади.

Ўз-ўзини тартибга солиш кўнникмаларини, дам олиш усули (мушаклар дам олиши, медитация), тоза ҳавода айланиб юриш, жисмоний ҳолатни қўллаб туриш, тўғри овқатланишга риоя килиш, бир кунда камида саккиз соат ухлаш (уйқунинг камлиги организм ҳолатига ва унинг ишчанлигига, ақлий фаолият ва руҳий соғлиқка таъсири килади) ичкилик ва чекишини энг кам микдорда камайтириш ёки ундан воз кечиш, тоза ҳавода сайр килиш усуулларини қўллаш жуда фойдалидир.

Агар юқоридаги кўрсатмаларга амал қилганингиздан кейин ҳам ишингиздан норозилик, шу билан боғлиқ асабийлашиш бўлса, ёки аксинча лоқайдлигингиз ошиб кетса, ўз турмуш тарзингизни мантиқан ўзгартирганингиз маъқулдир.

ИШ ЖОЙИДАГИ СТРЕСС ВА МЕҲНАТНИНГ УНУМДОРЛИГИ: ЖАМОАТ СЕКТОРИДАГИ МУАММОЛАР

Охирги йилларда иш жойидаги стрессли иш жараёни ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари билан боғлашмоқда.

Америка миллий касбий ҳавфисизлик ва соғлиқни сақлаш институти (NIOSH) ходимлар учун иш вақтидаги стрессли "зарарли эмоционал ва физик реакция кўринишидаги, талаб даражасига мос келмайдиган манбаа ёки эҳтиёжлар билан боғлади.

NIOSH тахминларига кўра ходимларнинг 75% ўз ишларини стрессли ва 25% ўз ҳаётларида ўта юкори стрессли омил сифатида қабул қилишади.

Охирги тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики иш билан боғлиқ ҳолда содир бўлган стресс натижасида коронар етишмовчилик ва бошқа турли хил психик ва физик касалликларнинг кескин ортиб кетишига олиб келаркан.

Кўп йиллар давомида Буюк Британияда давлат хизматчилари орасида олиб борилган тадқиқотлар стресснинг таъсири натижасида ходимлар иш жараёнини бошқара олмаслиги ва юрак-қон

ИШ ЖОЙИДА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ СТРЕССНИ ЕҢГАМИЗ

Соғлиқлари ёмонлашиши сабабли шифокорларга мурожатлар сони ортиб бормокда. Кўпчилик холларда соғлиқнинг ёмонлашувининг асосий сабаблари ишдаги бекарорлик сабабли мунтазам равишда стресс ҳолатида бўлиш, ишни йўқотишликдан кўркиш, тегишли вазифаларни бажаришдаги қийинчилликларга дуч келиш, касбдошлар билан таранг муносабатларда бўлишиликдир.

Қандай қилиб стрессни бошқариши ўрганса бўлади?

Шифокорларнинг сўзларига қараганда, офис ходимларининг саломатликларига турли хил негатив омиллар салбий таъсир кўрсатмокда. Бу гиподинамия (мушак фаолиятининг етишмаслиги, мушаклар қискариш кучининг камайиши), хаддан ортиқ ақлий зўрикиш, нотўғри овқатланиш ва уйку етишмаслигидандир. Натижада жисмоний соғлиқни ёмонлашуви (бел ва бўйин мушакскелет оғриклари, кўришнинг ёмонлашиши, коронар юрак касаллиги, варикоз) ва «Эмоционал емирилиш»да намоён бўлган «Офис синдроми» ривожланиб боради. Касалликнинг охирги алломатларига – хиссий ҳолатни бир хил даражада сақлай олмаслик, ўта чарчашиб, ишга хамда ҳамкаслар билан мулоқот олиб боришга бефарқлик вужудга келади.

Кўпчилик офис ходимлари стрессни енгиш учун мустакил равишда курашишмокда. Лекин афсуски саноқли инсонларигина бунга эришяпти. Уларнинг фойдаландиган «усуллари» (алкоголь истеъмол қилиш, фаол овқатланиш, дори воситаларини ичиш) стрессни унутиш ёки уни узоқ вақтга бартараф этиш имкониятига эга эмас. Мутахассисларнинг фикрича, муаммони яққол намоён бўлган белгиларига қараб ҳал этиш мумкин.

Шубҳасиз, ишлаётганда хам, ишсизлик муаммоси бор вақтда хам стресс ҳолатига тушиш мумкин. Вазиятни холисона баҳолаш учун, мунтазам равишда ишимишни янада қулай ва самарали, иш ва дам олишни янада яхшироқ ташкиллаштириб, вақти-вақти билан бир фаолиятдан бошқа фаолиятга ўтишга уриниб кўришимиз лозим. Яъни бошқа сўзлар билан айтганда, стрессни пайдо қилувчи омилларни мумкин қадар қисқартириш керак.

Стрессга қарши курашнинг «Симптоматик» усуулларига таъсир давомийлиги чекланган дориларни ичиш киради. Ўта асабийлашиш, хавотирланиш, уйқусизлик, ўта хиссиятларга бериувчанлик алломатларини олдини оладиган дори воситалари билан даволаш неврологлар амалиётида олдиндан кўллаб келинмоқда.

ИШ ЖОЙИДА СТРЕССНИ ҚАНДАЙ ҚИЛИБ 10 СОНЯДА КАМАЙТИРСА БЎЛАДИ ?

Инсонни ҳар кунги руҳан зўрикишга дучор бўлишини, олимлар ва тиббиёт ходимлари “XXI-аср вабоси” деб аташади.

Ер юзидаги аксарият аҳоли ўткир ёки сурункали руҳий зўрикиш туфайли руҳий касалликларга дучор бўладилар. Мазкур зўрикишнинг инсон организмига салбий таъсири эпидемия масштаби даражасида намоён бўлиб, замонавий жамият учун янги ижтимоий муаммолар келтириб чиқармоқда. Ҳусусан, зўрикиш юрак касалликларига, рак, ўпка касалликларига, турли даражадаги жароҳатланишларга, ўз жонига қасд қилинишларга асосий сабаб бўлмоқда.

Руҳий зўрикишлар ёки ўта толикишлар билан боғлиқ бўлган касалликлар ташкилотларга миллиардлаб сўм микдорида зарар келтиromoқда. Компаниялар, ходимларини даволашга сарфланадиган маблағларни компенсация қилишларига, касаллик варакасида кўрсатилган кунлар учун тўловларни амалга оширишга мажбур бўлмоқдалар ва ишга келмаслик ёки кадрлар қўнимсизлиги каби муаммоларга дуч келмоқдалар. Суғурта компаниялари томонидан ўтказган сўровлар натижасига кўра иш жойида бўлмасликтин аксарият ҳолатларига руҳий зўрикиш сабаб бўлмоқда. Сўровда иштирок этганларнинг **27 %** уларнинг ҳаётларида содир бўлган аксарият руҳий зўрикишлар, ишлари туфайли пайдо бўлганлигини, мазкур зўрикишларнинг **45 %** қисми жуда юқори ва ўта юқори даражада эканлигини таъкидлашган. **75 %** сўралганлар, уларда намоён бўлган зўрикиш уларнинг жисмоний ва ақлий саломатлигини пасайтириб юборганлигини айтдилар.

Ўта юқори даражадаги асабийлашув, ваҳима босиш, қон босимининг кўтарилиб кетиши, жаҳлдорлик, жizzакилик, чарчашиб, сусткашлиқ, депрессия ва шулар каби ҳолатлар зўрикишнинг кўп учрайдиган турлари хисобланади. Бу мусибатларни олдини олиш учун инсон ўзига нисбатан ғамхўрлироқ бўлиши лозим.

Чораси (иложи)ни топиш йўллари

Агар сиз ўзингизда чарчашиб, асабийлашув, жаҳлдорликни сезсангиз, негатив (ғазаб) хиссиятларингиз йиғилиб ортаётган ҳолатларларда, шифокорлар зўрикишни иш жойининг ўзида, унча кўп бўлмаган вақт давомида, бартараф этишини тавсия этадилар.

Энг яхши усул (восита) – бироз дам олиш ва тамадди қилмоқ лозим. Масалан, ёнғоқ мағзини тамадди қилиш керак, чунки у,

зўриқиши бартараф этувчи серотонин моддасини ишлаб чиқарилишида бевосита иштирок этувчи антиоксидантларга, В ва Е витаминларига бой озуқадир.

Қулоқнинг пастки юмшоқ кисмини уқалаб массаж қилиш ҳам яхши натижка беради, чунки мазкур жойда жуда кўп микдордаги акупунктур нұқталар йигилган бўлади. Инсоннинг қулоғи унинг танасидаги энг муҳим акупунктур тизим эканлиги ҳакида хитойликлар бундан минг йил олдин башорат қилганлар. Ҳар иккала қулоқни иссиқ кўл билан бир вақтда уқалаш керак. Уқалашни камида бир дақиқа давомида қилиб, ҳар бир нұктани 5 сония давомида босиб туриш лозим.

Бир пиёла чой ҳам зўриқиши тезда бартараф этиши мумкин. Қора чойда зўриқиши ҳолатларини олдини олишда организмга ёрдам берувчи моддалар мавжуддир.

Ишни тўғри ташкил қилиш ҳам зўриқиши пасайишига сезиларли ёрдам беради. Иш кунининг тугашида иш жойини тартибга келтиришдан эринманг. Стол устидан ортиқча қофозлар, асбоб-ускуналар ва ахлатларни олиб ташлаб, уни тартибга келтириш лозим.

Иш кунини режалаштириш, эрганги кундаги бажариладиган муҳим ишларни бугун белгилаб олиш, ўз ечимини кутиши мумкин бўлган ишларни нарига суриб қўйиш ҳам иш пайтидаги маънавий зўриқишларга дучор бўлишнинг олдини олади.

Бундан ташқари, тушликга чиқиш ва ишдаги танаффусларни ўтказиб юбормаслик муҳим аҳамиятга эга. Иш столидаги ўтириб тушлик тановул қилиш тавсия этилмайди. Яххиси, бирор жойга бориш, вазиятни ўзгартириш ҳам дам олишни яхши таъминлайди.

Зўриқишдан фориг бўлишнинг энг яхши усусларидан бири жисмоний машқлардир. Спорт билан шуғулланиш тоза ҳавода сайр қилиш ва энг содда машқларни бажаришдан бош тортманг. Агар иш юришмаса, кўл ишга бормаса, жаҳлингиз чиқа бошласа ишхонада бирор кулай (пан) жой топиб энг содда жисмоний машқларни бажаринг. Масалан, кўл оёқларни кимирлатиш, бир неча марта ўтириб-туриш билан танангиз бироз енгиллашиб, ишлашга мойиллик тутғилади.

Зўриқиши омиллари (сабаблари)

Рухшунослар инсон ўзи ҳакида ғамхўрлик қилиши ва иш жойида ўзига қулай шароитни яратиши лозимлигини тавсия этадилар. Ҳусусан, иш шароитининг жисмоний ва гигиеник ҳолатларига, атроф муҳитнинг ҳароратига, ёритилганлик даражасига ва ҳавонинг сифатига эътибор бериш зарур.

Агар сизнинг кундалик бажарадиган ишингиз бир ҳил ва машаққатли бўлса, ҳар қандай шовқин ва тебранишлардан йироқроқ бўлганингиз маъқул. Кўпчилик ишловчилар учун иш куни давомида иш билан бандлик даражалари уларнинг шахсий биологик ритмларига мос бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Агар сиз учун кечаси ишлаш қулай бўлса, ўз иш жадвалингизни ҳам ўзингизга мослаштиришингиз зарур. Ўзингизни мажбурлаб, эрталаб иш қилишдан ёки бирор кимса билан гаплашишдан азият чекмаслик керак. Иш пайтида танаффус қилишни ёддан чиқармаслик керак. Танаффус туфайли Сиз ишдан бироз ҷалғисиз, куч йиғиб оласиз, ҳамкаслар билан мулоқотда бўласиз. Тадқиқотлар натижасига қараганда, яхши кайфият ҳолатда ишловчилар руҳий зўриқишдан камроқ азият чекишилари аниқланган.

Турли қасблар учун қалтислик омиллари турлича бўлади. Айтишларича, энг тинч ва осойишта иш кутубхоначилик экан. Энг асабий қасбларга шахтёрлар, учувчи (лётчик)лар ва журналистлар мансуб эканлар. Катта руҳий зўриқишларга актёрлар, сиёsatчилар, ўқитувчилар ва врачлар ҳам дучор бўладилар. Агар Сиз ижодий иш билан банд бўлсангиз, билингки, статистика бўйича, одатда креатив инсонлар меъеридан зиёд меҳнат қиласар эканлар. Иш куни давомида улар бошлиқнинг босими остида ишласалар, иш пайтидан сўнг уйларида ҳам ишлашга уринадилар.

Ижод билан шуғулланувчилар ўз вазифаларини иш пайтида бажаришга улгиролмай, ишдан кейин телефон қўнғироқларига, электрон хатларга жавоб бериш билан банд бўладилар. Улар, иш ҳакида иш кунигача ва ундан кейин ҳам ўйлаб юришади. Шуни эсадан чиқармаслик керакки, иш қанчалик муҳим аҳамиятга эга бўлишидан қатъий назар, у оиласи, дўстлар билан мулоқотни ва дам олиш ўрнини босиши керак эмас.